
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ
ОИЛАЛАРИДА ШАХСЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК
ОМИЛЛАРИ**

УДК: 74.90

КБК: 88

М 16

Меҳнат мигрантлари оилаларида шахсларо муносабатларнинг педагогик-психологик омиллари. – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 88 б .

Услубий қўлланмада меҳнат миграциясининг педагогик-психологик муаммолари ва оилалар барқарорлиги таъсирига оид тадқиқот натижалари таҳлили, улар билан педагогик-психологик иш йўналишлари ифодаланган.

Услубий қўлланма ўзини-ўзи бошқариш органлари мутахассислари, педагог, психолог, тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Муаллифлар:

**Д.А.МАДЖИДОВА, Д.Ғ.ХУСАНОВА, А.А.БАЗАРОВ,
Б.А.АКБАРОВ, Н.Х.ЗОХИТОВА, М.Ш.ЯХНЯЕВА,
Н.М.САЙДАЛИЕВА.**

Масъул муҳаррир: Н.М.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: Р.Х.Джураев – педагогика фанлари доктори, академик.
Х.Х.Сайдивалиева – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг ЖХБЛ-1-сонли «Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида нашрга тайёрланган.

Қўлланма «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти илмий Кенгашининг 2021 йил 3 мартдаги 3-сон қарорига асосан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-6975-9-1

©«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда жаҳон миграция жараёнларининг йўналишлари, шакллари ва суръатлари кескин ўзгармоқда. Бу жараёнларнинг дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги айрим ўхшашликлари кузатилмоқда, миграциянинг устувор мотивлари психологик, ижтимоий-иқтисодий ва бошқалар ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирда 2,5 миллиондан ортиқ фуқаролар даромад топиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ишламоқда¹. Уларнинг кўпчилиги қисми оилали ва фарзандларига эгадир. Оталар, ёлғиз оналар, ёки уларнинг ҳар иккиси меҳнат миграциясига жўнаб кетар экан, фарзандларини катта ёшдаги қариндошига ёки танишлари қарамоғига қолдириб кетади. Бу эса Ватанида қолган оиланинг фаровонлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, бунинг натижасида оиланинг ижтимоий-психологик мувозанати бузилади ва албатта болалар бундан азият чекади.

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, жумладан хотин-қизлар ҳукумат қарорлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали манзилли ижтимоий муҳофазаланади. Айниқса, миграция жараёнларида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини кучайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга”² эканлиги белгиланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7

¹ https://mehnat.uz/uploads/filemanager/source/Бандлик_таҳлили_1_қв_январь_март.pdf

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /08.12.1992 йил. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон. <https://lex.uz/docs/20596>

мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони, 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш тизимида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ўрни ва роли янада ошиб бормоқда.

Жумладан, мазкур йўналишда давлат сиёсати даражасида самарали ишлар амалга оширилиб, 2020 йил 18 декабрда бўлиб ўтган МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ташқи миграцияда банд бўлган (шу жумладан, қийин вазиятга тушиб қолган) одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, муносиб иш шароитини яратиш каби долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилди³. Шунингдек, жорий йил 18-19 февраль кунлари давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давомида Наманган шаҳридаги «Даштбоғ» кичик саноат зонасида жойлашган корхоналардан бирининг ишчи аёллари билан суҳбати давомида меҳнат миграцияси масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, «Ҳали кўп-кўп фуқароларимиз, сизларнинг қўшнилариңиз, кўплариңизнинг турмуш ўртоқлариңиз четда юрибди. Мениң энг катта мақсадим – қанчалик оғир бўлмасин, уларни секин-секин ўзимизнинг бағримизга, ўзимизнинг маҳалламизга, ўзимизнинг кўчамизга, ўзимизнинг уйимизга қайтариб олиб келишимиз керак. Оғир,

³ <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-prezidentining-mdh-sammitida-migratsiya-sohasidagi-tashabbusi-dolzarb-muammoning-echimiga-qaratilgan>

лекин барибир шу марраларни қўйишимиз керак»⁴, - деб таъкидлади. Давлатимиз раҳбари бу муаммоларни янги иш ўринлари ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш орқали ҳал этиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Мазкур муаммога доир давлат аҳамиятидаги вазифаларни ҳал этишда, нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат миграциясининг оила ва болалар учун ижтимоий оқибатлари масалалари илмий жиҳатдан етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини таъкидлаш зарур. Шу муносабат билан, даромад топиш мақсадида хорижга ишлашга кетаётган фуқаролар оилалари учун ижтимоий, психологик ва педагогик қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Глобаллашган ижтимоий-маданий муҳитнинг жадал ўзгаришлари сабабли субъект ва ижтимоий муҳитнинг уйғунлашуви, шахснинг мослашув механизмларини тушуниш муаммоси замонавий илмий-назарий ёндашувларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилган *“Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари”* мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида ўтказилган тадқиқот иши айнан мазкур муаммоларни ёритиш ва ҳал этишга оид илмий хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган. Қўлланмада меҳнат фуқаролар йиғинлари ходимларининг мазкур муаммо йўналишидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

⁴ <https://xs.uz/uzkr/post/mening-eng-katta-maqsadim-qanchalik-ogir-bolmasin-ularni-qajtarib-olib-kelish-prezident-migratsiya-masalasiga-tokhtaldi>

I БОБ. МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙИ, ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Меҳнат миграцияси муаммоси ва унинг ижтимоий, педагогик-психологик оқибатлари

Ривожланаётган мамлакатларда содир бўлаётган иқтисодий ислохотлар, ишсизлик, камбағаллик ёки аксинча, аҳолининг янада тўқис ҳаётга интилиши натижасида ривожланган мамлакатлар сари ҳаракатланиши миграция масаласининг фалсафа, социология, сиёсатшунослик, психология, педагогика фан соҳалари доирасида кенг қизиқиш билан ўрганилишига сабаб бўлмоқда. Миграция тури қандай бўлишидан қатъий назар у жамият, оила, инсон ҳаётида туб бурилишлар, чуқур ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлади. Бугунги кунда бирмунча оммалашган ушбу жараён фанда «аҳоли миграцияси» (лот. *migratio* - кўчиб ўтиш) номи билан мустаҳкам ўрин олди. Аҳоли миграцияси - бу аҳолининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга, баъзан катта гуруҳлар бўлиб ва узоқ масофага кўчиб ўтишидир⁵. Мигрант вақтинча ёки доимий равишда янги жойда яшашга кўчиб ўтишни содир этувчи шахс бўлса, янги яшаш жойи бўлган давлат ҳудудига кириб келувчи мигрант – иммигрант, яшаш давлати ҳудудидан чиқиб кетувчи мигрант эса – эмигрант деб номланади. Адабиётлар таҳлили миграциянинг 3 та сабабга кўра юзага келиши мумкинлигини кўрсатди, булар: иқтисодий омиллар, табиий офат, умидсизликка тушиш. Шунингдек, “миграция жараёнини амалга оширишда иқтисодий омиллардан ташқари бошқа таъсирлар ҳам мавжудки, улар қаторига экологик-психологик, ҳуқуқий омилларни киритиш мумкин”⁶. Меҳнат мигрантларининг яшаш жойини ўзгартиришга ундовчи психологик сабаблар шахснинг хавфсизлиги

⁵ манба: <https://ru.wikipedia.org/wiki>

⁶ Толаметова З.А. Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2016, №3 59-68 б.

ва психологик ҳамда бошқа эҳтиёжларини қондириши нуктаи назаридан фаровон турмуш кечириш истаги билан боғлиқ. Нафақат кўпроқ даромад топиш, балки ўз имкониятларини кенгайтириш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Баъзи мигрантлар турмуш қуриш мақсадида, мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи вакиллар билан никоҳ тузиш орқали ушбу жойда узоқ муддатли яшаб қолишни ўз олдларига мақсад қилиб қўядилар. Бу ўз ҳаётини яхши томонга ўзгартириш истаги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Ф.Я. Пармановнинг тадқиқотида, Ўзбекистон аҳолиси табиий ўсишининг турғун сақланиб қолиши билан аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари яратиш жараёнлари ўртасидаги номуносивиблик халқаро меҳнат бозорига ўзбекистонлик мигрантлар интеграциясига асос бўлиши кўрсатилган⁷. Меҳнат миграцияси меҳнат мигрантининг замонавий тез ўзгарувчан жамиятда нафақат ижтимоий ва иқтисодий ишончи, балки психологик фаровонлигини таъминлашда мажбурий чора сифатида юзага келади. Мигрантлар учун иқтисодий ҳамда психологик фаровонлиги, шунингдек, жамиятда ўз ўрнини эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг статистик маълумотларига кўра, дунё миқёсида аҳоли кўчиш суръатлари кучайган. Инсоният тарихининг турли даврларига нисбатан дунё аҳолисининг катта қисми ўзи туғилган давлатда эмас, кўчиб борган давлатларда муқим ўрнашмоқда. Маълумотларга кўра, халқаро миқёсда 2019 йилда мигрантлар сони 272 миллионга етган. 2000 йилда бу кўрсаткич 173 миллионни ташкил этган эди³. Қисқа вақтда ушбу кўрсаткич 100 миллионга ошган. Эътиборлиси, мигрантлар ялпи улушининг 48 фоизини аёллар ташкил этса, 38 млн.

⁷ Парманов Ф.Я. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари / Социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 22.00.03 – Ижтимоий оғ ва ижтимоий жараёнлар социологияси. – Т.: Давлат бошқаруви академияси. 2021 й. – Б. 60.

³ Общее будущее общими силами. Цели в области устойчивого развития. Глобальные вопросы: миграция. www.un.org.

болалар ушбу жараённинг фаол иштирокчиси бўлмоқда¹. Мигрантларнинг атиги 4,4 млн. қисми таълим олиш учун кетган талабалар бўлса, 164 млн. меҳнат мигрантларидир. Мигрантларнинг 75% айти меҳнатга лаётқатли ёшдаги (20-64 ёш) кишлардан иборат бўлиб, ўзининг жисмоний ва ақлий қувватини кўчиб ўтган давлат иқтисодиётига сарфламоқда. Қитъалар кесимида доимий аҳоли таркиби бўйича мигрантлар улуши Осиёда - 31%, Европада - 30%, Шимолий ва жанубий Америкада - 26%, Африкада - 10%, Океанияда – 3 фоизни ташкил қилмоқда².

Меҳнат миграцияси натижасида оилалар ўзини меҳнат бандлиги билан таъминлайди, иқтисодий шароитини яхшилаб олади. Муайян касб эгалари касбий ўзини-ўзи такомиллаштиради, ҳаётий зарур янги кўникмаларни эгаллайди, мамлакатлар илмий ва технологик соҳада ўзаро тажриба алмашиб, ижтимоий, техноген ўзгаришлар содир бўлади. Ҳаёт тарзи, одатлари, маданий қарашлар кенгайди. Халқ ҳаётига турли маданий одатлар, анъаналар кириб келиши билан инсоният эҳтиёжлари соҳасининг кенгайиши, дунёқараши ўзгариши, қизиқишлари ортишига ҳам сабаб бўлади.

Меҳнат миграцияси – фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилиш эркинлигини таъминлаши билан бирга, қатор муаммо ва қийинчиликларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлади. Айниқса ўз яшаш ҳудудида иш топа олмай ёки ҳаёт тарзи эҳтиёжларини тўлиқ қоплашга имкон берувчи барқарор даромад манбаига эга бўлмаган инсонлар узоқ чет элларга ишлаш учун кетади. Бу оилавий тизимдаги - уни ташкил этувчи турли муносабатларда қуйидаги йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин:

- оилавий муносабатлар тизимидаги бузилишлар: катта авлод ва кичик авлод ўртасидаги жонли мулоқотнинг узилиши,

¹ Migration data portal. The total number of international migrants at mid-year 2019. Gender and migration. Source: UN DESA, 2019. <http://www.migrationdataportal.org>.

² Total number of international migrants at mid-year 2019. Migration data portal. UN DESA, 2019. <http://www.migrationdataportal.org>.

эр-хотин муносабатида функционал бузилишлар; ишончсизлик, ажралишлар, ҳиёнат;

- ота-она ва фарзанд муносабатларидаги муаммолар. Бу эса ўз навбатида боланинг шахси, ҳиссий-иродавий соҳаси, шахслараро муносабатлари хусусиятлари, ота-она обрўси ва шу каби бошқа муносабатлардаги муаммолар юзага келишига сабаб бўлади;

- ота-она ёки улардан бирининг назоратсиз қолган болаларда шахс тузилмасида турли ўзгаришлар содир бўлади: ўзининг мансублиги соҳасини англаши, яқинларига нисбатан ҳиссий боғланишнинг шаклланишидаги бузилишлар, ота-она функцияларининг оиладаги тўнғич фарзандга ўтиши билан болаларнинг кун тартиби ва мажбуриятидаги ўзгаришлар, таълимий қизиқишларининг сўниши ва ҳ.к.

Бундай салбий ўзгаришлар қатор илмий-тадқиқот манбаларида ҳам таъкидланган. Жумладан, Л.А.Шайгерованинг фикрича⁸, ўз юртидан кетган инсон ўз-ўзига “Мен кимман?” деб савол беради. Ишлаш учун бошқа мамлакатга кетган инсондан фарқли равишда, мажбурий кетган меҳнат мигранти ўзини-ўзи англаши ва ўзлигини топишида қийин вазиятда бўлади⁹.

Айниқса ота-онаси билан бирга ўсмирлик ёш даврида бегона юртларга кетган болалар қийин шароитда қолишлари мумкин. Чунки ўсмир ёшида шахс мансублиги шаклланиши содир бўлади, ижтимоий мансублик ҳисси, ўзини англаши, яқинликни ҳис қилиш ва бирлик туйғуси юзага келади (Виготский Л.С., 1984; Кон И.С. 1989; Эльконин Д.Б., 1989)¹⁰. Ўсмирлик ёш даврида шахс соҳасидаги: оиладан ажралиш,

⁸ Шайгерова Л.А. Психология идентичности личности в ситуации вынужденной миграции: автореферат дис. ... кандидата психологических наук: 19.00.01 / Моск. гос. ун-т им. М. В. Ломоносова. - Москва, 2002.

⁹ Солдатова Г.У. Новая специализация — психолог-консультант по работе с вынужденными мигрантами Подходы и модели психологической работы с вынужденными мигрантами Информационно-аналитический бюллетень №2. Издательство: Смысл. 2001. —С. 230.

¹⁰ Виготский Л.С. Проблема возраста. // Виготский Л.С. Собрание сочинений: В 6-ти т.; Т.4. - М.: Педагогика, 1984. - с. 244-268.; Кон И.С. Психология ранней юности .М.: Просвещение, 1989. - 255 с.; Эльконин Д.Б. Избранные психологические труды. - М.: Педагогика, 1989. - 560 с.

шахслараро мулоқот ва тенгдошлари жамоасига киришиш, ўзини англаши ва ўз-ўзига баҳосининг шаклланиши, ўз “Мени”нинг келгусидаги ифодаси, шу асосда ҳаётини режаларни куриш, ўз шахсининг келгусидаги намоён бўлиши йўналишини белгилаш каби ривожланишга оид ҳолатлар кузатилади. Ўсмирлик ёш даврида ўз қадриятлари, фикр-мулоҳазалари, установакалари ҳамда ҳаётини мақсадларини белгилаш мобайнида унинг шахси мансублиги шаклланиб боради.

Ўзга юртда, ўз дўстлари, тенгдошларидан олисда, янги ижтимоий муносабатларни ўрнатиш заруриятига дуч келган бола учун бу кескин ҳаётини бурилишларга сабаб бўлади. Бола янги ижтимоий муҳитда ўзининг одатий ижтимоий муносабатларидан узоқлашиб қолганлиги сабабли, унда номуносиб мансублик ҳисси шаклланади, чунки янги шароитларда юзага келган ўз мансублигига оид муаммоли шароитда ўсмир мавжуд вазифаларни ҳал қилишга қийналади (Э.Эриксон, 1996)¹¹. Бу эса ўсмирнинг одатий бўлмаган шароитга мослаша олмаслигига олиб келади, натижада бола умидсизлик, чорасизлик, тушкунлик, хафсаласизлик каби салбий ҳолатга тушишига сабаб бўлади. Кейинчалик ўз юртидаги маданий фарқликлари билан боғлиқ ҳолатлар кучаяди. Мазкур босқич жиддий муаммоларга, биринчи навбатда психосоматик касалликлар билан кечиши, ўсмирнинг ўзини ҳимоясиз ҳис қилишига сабаб бўлади. Сўнгра бола янги муҳитдан ўз юртига қайтиши ёки атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши орқали жамиятнинг янги меъёрларини фаол тарзда ўзлаштириши содир бўлади¹². Айнан шу даврда ўсмир ёшдагилар профессионал ёрдамга муҳтож бўладилар.

А.А. Антипов Россиянинг Волгоград, Самара ва Ставропольск вилоятларида 144 нафар Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон,

¹¹ Эриксон Э. Э. Идентичность: юность и кризис: Пер. с англ./ Общ. ред. и предисл. Толстых А. В. - М.: Издательская группа "Прогресс", 1996. - 344 с.

¹² Стефаненко Т.Г. Введение в практическую социальную психологию: Учебное пособие. М.: Смысл, 1996.

Ўзбекистондан кўчиб ўтган ва шу ерда 1 йилдан 3 йилгача давр мобайнида яшаётган оилаларнинг 15-17 ёшдаги фарзандларида шахс мансублигининг шаклланиши ёки ўзгариши хусусиятларини тадқиқ этган. Ўсмир ёшидаги мигрантларнинг 67 фоизи ўз оиласининг моддий-иқтисодий шароитини қониқарсиз деб баҳолайди, умуман миграция вазиятига ва табиий муҳитнинг ўзгаришига нисбатан салбий муносабатни билдиради. Шунингдек, уларда умуман оиланинг катта ёшдаги аъзоларининг кўчиб ўтиши билан боғлиқ қарорига, табиий шароитнинг, теварак-атрофдаги инсонларнинг ўзгаришига нисбатан салбий муносабат кузатилади. Ўсмир болаларда ички оилавий муносабатлар (ота-онаси билан муносабатлар) хусусиятида оила боқувчиси – отага нисбатан салбий муносабат кузатилади¹³.

А.Н. Султанова хорижий тадқиқотчилар қарашларини ўрганиб, мигрантлар орасида асаб-руҳий касалликларининг даражаси юқори бўлиб, 65-90 фоизни ташкил этиши тўғрисидаги хулосага келган¹⁴. Унинг тадқиқот ишида¹⁵ меҳнат мигрантларини ўрта гуруҳини шартли равишда ажратган. Руҳий бузилиш соҳасини ўрганиш давомида мигрантлар психикасининг ўзига хослиги уларнинг тадрижий тузилмада тутган ўрнига боғлиқ эканлиги, шунингдек меҳнат мигрантларининг мослаша олмаслигига таъсир қилувчи кўплаб психопатологик белгилари аниқланган. Ижтимоий мослашмаганлик, жароҳатдан сўнгги стрессли бузилишлар ва аффектив бузилишларнинг шаклланиши тадқиқ этилган. Маданий фарқлилик сабабли зўриқиш спиртли ичимликлар ва бошқа психоактив моддаларга тобёликка таъсир қилган етакчи омилардан бири сифатида қайд этилган. ЖССБ симптомлари

¹³ Антипов А.А. Развитие личностной идентичности у подростков из семей беженцев и переселенцев. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Москва, 2003 г.

¹⁴ Султанова А.Н. Психические нарушения у мигрантов, развивающиеся в условиях миграции (клинические, психологические, социальные характеристики в динамике, этапная лечебно-реабилитационная помощь). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора медицинских наук, Москва, 2019 г.

¹⁵ Ўша жойда.

бўлган мигрантлар орасида ёндош бузилишларнинг юқори кўрсаткичлари аниқланиб, миграция олди омилларнинг психологик бузилишлар шаклланишига таъсири кўрсатилган. Психологик ҳамда жисмоний жиҳатдан ҳимоясизлик, ижтимоий кўникмаларининг етишмаслиги, маданий фарқлилик, ташриф буюраётган мамлакат билан боғлиқ умидлари ва ҳақиқий воқеликнинг мос келмаслиги тушқунлик юзага келиши ва унинг психологик, ижтимоий кўрсаткичлари аниқланган.

Миграция жараёнидаги кўчиб ўтишларга нафақат эркаклар, балки уларнинг аёллари ҳам жалб этилади, кўп ҳолатларда улар фарзандларини бувиси, қариндошлари, кўшнилари қармоғига қолдириб кетади. Оила боши узоқ йилларга чет элга ишлаш учун кетган оиладаги болалар ва ота-она ўртасида ўзига хос муносабатлар шаклланади. Бу эса ўсмирлик даврида уларнинг ўзини-ўзи англашининг шаклланиши жараёнига таъсир кўрсатади.

А.Л.Цинцарнинг фикрича, ҳозирги замонда оиланинг янги тури – “вактинча ажралган” ёки “дистант оилалар” тури пайдо бўлмоқда. Бундай оилалар сўнгги йилларда кўп учраб, улар оиланинг муқобил шаклига ҳам айланиб бормоқда¹⁶. Дистант оилалар муаммолари Ф.А.Мустаева, В.С.Торохтий, Д.И.Пенишкевич¹⁷ каби тадқиқотчи олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Мазкур тадқиқотчилар касбий фаолияти сабабли турмуши алоҳида бўлган эр-хотинлардан иборат оилаларни ажратганлар. Л.В.Боярин ўз тадқиқотида дистант оилалар функциялари ва улар юзага келишининг сабабларини ажратади¹⁸.

¹⁶ Цинцарь А.Л. Психолого-педагогические условия формирования самосознания подростков из дистантных семей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Нижний Новгород, 2015 г.

¹⁷ Торохтий В.С. Актуальные проблемы современной социальной педагогики: (избранные статьи) / В. С. Торохтий; Департамент образования г. Москвы, Московский гор. психолого-пед. ун-т, Фак. социальной педагогики. - Москва: МГППУ, 2011. - 203 с.; Пенишкевич Д. И. Становления та розвиток професійної освіти на Буковині в к.18 – п.20 ст. – Чв.: Рута, 1998 р. – 48 с.; Мустаева Ф.А. Основы социальной педагогики. Академический проект, 2001.

¹⁸ Боярин Л.В. Психологические особенности социально непропорционального поведения подростков из дальних семей и его коррекции Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, 2014 г.

А.Л.Цинцарнинг ўсмирларда ўзини англаш шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик шароитларни ўрганишга бағишланган тадқиқотида *дистант оила* деганда ота-оналардан бири оиланинг шароитини яхшилаш мақсадида узоқ даврга бошқа шаҳар, мамлакатларга кетиб ишлаётган оилаларни тушунади. Дистант оиладаги ота-онанинг фарзандлари билан мулоқоти доимий бўлмай, асосан масофавий, яъни алоқа воситалари билангина мулоқот қилиш имкониятига эга бўлиб, бу ўсмирнинг шахс соҳаси ривожланишидаги бузилишларга ва ўзини англаши соҳаси шаклланишига таъсир кўрсатади. Унинг фикрича, дистант оилалардаги ўсмирларда ўзини хурмат қилиш, ўзини қабул қилишга интилиш, мулоқотчанлик нисбатан паст даражада ривожланган. Шунга қарамай дистант оилаларнинг ўсмирлари нисбатан мустақил бўлиб, ўзини бошқариш кўникмаси юқорида ривожланган, шу билан бирга улар ўзларини айблашга мойил бўлади, ўзини тушуниш нисбатан яхшироқ шаклланади деб ҳисоблайди¹⁹. Дистант оилаларда фарзанд ва ота-она ўртасидаги муносабатларда эмоционал яқинликнинг бузилиши кузатилади. Ота-онаси билан эмоционал мулоқотидан қониқмаганлик мигрант оилалар ўсмирларида кўпроқ намоён бўлади²⁰.

А.В.Котельникова илмий ишида мажбурий кўчиб ўтганларда кузатиладиган жароҳатдан кейинги зўриқишда шахсий боғлиқликларни тадқиқ этган. Унинг фикрича, шахсдаги руҳий зўриқишнинг жадаллашуви ўз юртидан вақтинча ёки доимий жўнаб кетиш қарори билан боғлиқдир. Жароҳатдан кейинги зўриқиш нисбатан камроқ ифодаланган мигрантлар учун ўз шахсий “Мени” га оид кадриятлар ва кадр-қиммати тўғрисидаги ижобий қарашлар хос бўлиб, ҳаётда содир бўлаётган ҳодисаларни назорат қила олиш имконияти; ҳаётни англашнинг юқори даражаси, ўтмиш ва ҳозирги даврда ўзлигини ифодалаш

¹⁹ Цинцарь А.Л. Психолого-педагогические условия формирования самосознания подростков из дистантных семей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Нижний Новгород, 2015 г.

²⁰ Ўша жойда.

ҳолатидан қониқиш, келажак тўғрисидаги мақсадларга эгаллиги кабилар хосдир²¹.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон шароитида мигрант оилаларнинг ижтимоий, психологик муаммоларини тадқиқ қилишга қаратилган изланишлар кўп эмас. Чет эл мамлакатлари, жумладан Россия олимлари томонидан амалга оширилган изланишлар ички оилавий, ижтимоий-психологик муаммоларни ёритмаган.

1.2-§. Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш амалиётининг муҳим омиллари

Ҳозирги кунда хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, улар билан мулоқот ўрнатиб, муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим яритилди ва уни жорий қилиш механизми такомиллаштирилмоқда. Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий марказининг 2019 йилдаги социологик тадқиқоти маълумотларига асосан хорижга ишлаш учун кетаётган меҳнат мигрантларининг: **маълумоти бўйича:** олий 5%; ўрта махсус 68%; ўрта 27%; **жинсига кўра:** эркак 89%, аёл - 11%, **ёшига кўра:** 16-30 ёш - 47,7%, 31 ёш ва ундан катта - 52,3 фоизни ташкил этган²². Шу билан бирга, марказ томонидан меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавқеини (аёллар, ёшлар ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда уларни ишга жойлаштириш ва янги иш жойларини яратиш зарурати кўрсатилган.

Ушбу жараёнда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи – маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий

²¹ Котельникова А.В. Личностные корреляты посттравматического стресса (на материале выборки вынужденных переселенцев). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Москва, 2009 г.

²² https://mehnat.uz/uploads/filemanager/source/Бандлик_таҳлили_1_қв_январь_март.pdf

урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Тадқиқотчи олимлар томонидан Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этишда фуқаролар йиғинларининг қуйидаги вазифалари кўрсатилган²³:

- ҳар бир маҳаллада ишчи кучи кам ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, иш характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумотлар тўплаб бориш ва эълон қилиш;
- меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамлар кўрсатиш;
- мигрантларнинг фарзандлари таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.

Маҳалла фуқароларининг иштирокини назарда тутган ҳолда меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари сифатида 2019 йил 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5785-сон «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 сентябрь куни 4829-сон «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан давлат органлари, маҳалла, нодавлат ноижорат ташкилотлари (ННТ) ва бошқа фуқаролик жамияти субъектлари ташаббуси билан меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, реинтеграция қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган жамғарма ташкил этилди. Ўзбекистон

²³ Холмунинов Ш., Абдураманов Х. Қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш // *Biznes-Ekspert*” журнали, 2018 йил 11(131)-сон, 57-62 б.

Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ меҳнат миграциясига жўнаб кетаётган шахсларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш учун ҳудудларда «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курслари, маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

2021 йил 1 январдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила аъзоси сифатида қайд этилган ва хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб, қайтиб келган шахсларга бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия тўланиши кабилар белгиланди.

Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, фуқаролар йиғини раислари ва меҳнат инспекторлари хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оила аъзоларининг: ҳолидан мунтазам хабар олиб, муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлайди ҳамда уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиши, шунингдек моддий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, уларга зарур тиббий патронаж хизматини кўрсатиш, ипотека кредитлари асосида уй-жойлар ажратиш, фарзандларининг таълим олишидаги муаммоларини ҳал қилиш, меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлашга кўмаклашиши белгиланган.

Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш жараёнининг мос меъёрий-ҳуқуқий асосларининг ишлаб чиқилганлиги ва амалда самарали таъминланиши мазкур жараённинг муваффақиятли кечишини таъминлайди. Миграциядан қайтиш алоҳида кўриниш сифатида эмас, балки ҳукумат томонидан қўлланиладиган мигрантлар ва миграцияни бошқаришда халқаро миграция циклининг кенг мазмунида кўриб чиқилиши зарур.

Реинтеграция жараёнида кўрсатиладиган ёрдам ва унинг муваффақиятлиги мазкур жараёндаги барча томонлар учун (мигрантларни қабул қилувчи мамлакат ва уларнинг ўз юрти) устувор йўналиш бўлиб, ушбу ёрдам ўз ихтиёри билан қайтган, ёки ҳукумат ҳимояси остида қайтарилган шахслар учун мослаштирилган бўлиши керак. Бундай ёндашув меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш жараёнининг мувозанатли, ҳаққоний, ўлчовли, барқарор ва инновацион бўлишини кафолатлайди.

Реинтеграция муваффақиятли бўлиши учун, индивидуал, жамоавий ва тузилмавий даражада иқтисодий, ижтимоий ва психологик омилларни инобатга олинган ҳолда, уларнинг эҳтиёжларига асосланган **яхлит реинтеграция жараёни** таъминланиши зарур.

Жараён сифатида реинтеграциянинг моҳияти нимадан иборат? Социология луғатида **реинтеграция** – лотинчадан, тиклаш, яхлитликка эришиш деган маъноларни англатиб, йўқотилган ижтимоий алоқалар ўрнини тўлдириш, эмоционал ҳолатнинг маъқул даражасига эришишни кўзда тутувчи, инсонни ижтимоий ҳаётнинг фаол ва мустақил аъзоси ролида жамиятга қайтариш жараёни деб талқин этилади²⁴. Реинтеграциянинг қулай шароитларини яратиш ва таъминлаш фуқаронинг келажакда тўлақонли ва муваффақиятли ижтимоийлашуви учун имкониятлар яратади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига мувофиқ, *меҳнат миграциясидан ўз юртига қайтувчилар миграция ва такрорий миграция омилларини ўзлари удалашларига имкон берувчи ўз-ўзини иқтисодий таъминлаш, ўз жамиятида ижтимоий барқарорликка ва ижтимоий-психологик фаровонликка эришилишида реинтеграцияни муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин.*

Ўзбекистон Республикасида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш

²⁴ Энциклопедия социологии. Составитель: А. Антипази, 2009 //dic.academic.ru/dic.nsf/socio/3437

вазифаларини амалга оширишда хавфсиз ва қонуний миграция тизими жорий этилмоқда ва бу учта йўналишда амалга оширилмоқда:

1. Хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш нияти бўлган фуқароларни касбий тайёрлаш ва хорижий тилларни ўрганишларида қўмаклашиш.

2. Хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

3. Меҳнат миграциясидан ўз юртига қайтганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш, жумладан бандлигини таъминлаш.

Индивидуал, жамоавий ва тузилмавий даражада реинтеграцияга таъсир кўрсатувчи иқтисодий, ижтимоий ва психологик омилларни инobatга олган ҳолда эҳтиёжларга асосланган яхлит реинтеграция жараёни муҳимдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, реинтеграция жараёнининг самарадорлигини ошириш учун мажмуавий профессионал ёндашув талаб этилади. Бу борада халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш асосида мазкур соҳадаги инновацион технология ва дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

II БОБ. МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашнинг мавжуд ҳолатини аниқлашга оид тадқиқот натижалари

Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат миграциясининг оила ва болалар учун ижтимоий оқибатлари масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Бу борада “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институтида меҳнат мигрантлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишга доир педагогик-психологик иш олиб боришнинг мавжуд ҳолатини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, “Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари” мавзусидаги лойиҳа доирасида соҳа мутахассислари билан анкета сўровномалари, меҳнат мигрантлари, уларнинг оила аъзолари билан педагогик, психологик ташҳис методикалари, интервью, суҳбатлар ўтказилди.

Тадқиқот Ўзбекистон Республикада меҳнат миграцияси кўрсаткичлари юқори бўлган Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, шунингдек Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилди.

2.1-§. Фуқаролар йиғини мутахассислари билан ўтказилган анкета сўровномаси таҳлили

Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишга доир педагогик-психологик иш олиб боришнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш ва уни такомиллаштиришга доир илмий-методик таклиф ва тавсияларни ифодалаш мақсадида махсус сўровнома ишлаб чиқилди. Сўровномада иштирок этган фуқаролар йиғини раиси ва раис ўринбосарлари ва бошқа мутахассислар иштирок этди. Улардан 1-3 йилгача иш стажига эга бўлганлар – 14 нафар, 24 нафари – 5–9 йил, 15 на-

фари 12-20 йил, 12 нафари 24–38 йиллик иш стажига эга бўлган респондентлар ташкил этди.

Тошкент вилояти Бекобод ва Нурафшон шаҳри, Ўрта Чирчиқ тумани фуқаролар йиғинларидан – 13 нафар, **Тошкент шаҳрининг** Шайхонтоҳур туманидан 12 нафар, **Самарқанд вилояти** фуқаролар йиғинларининг 25 нафар, **Фарғона вилояти** фуқаролар йиғинларидан 15 нафар мутахассислар иштирок этди.

Сўровномада фуқаролар йиғинлари мутахассисларининг меҳнат миграцияси бўйича республикада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорликларини аниқлаш мақсадида респондентларга *“Меҳнат мигрантларини изжтимоий қўллаб-қувватлашга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар билан танишимсиз? Қайсилар?”* саволига **Самарқанд вилояти** фуқаролар йиғинлари мутахассисларининг деярли ярми (11 нафар) *“Ҳа”*, деб жавоб беришига қарамай, қайси ҳужжатларни билишларини кўрсатмаган, 3 нафари *“Йўқ”*, 5 нафар – *“Ҳа, Конституция, қонунлар”*, 2 нафар *“ХМТ нинг 14 та концепциялари”*, **Фарғона вилоятида** эса *“4829-сонли Президент қарори”* (4 нафар), *“ВМ-764-сонли қарори”* (3 нафар), *“12.09.2018 йилдаги 725-сонли қарорлар”*и (2 нафар) билан таниш эканликларини билдиришган бўлса, 3 нафар респондент *“Умуман таниш эмасман”* жавобларини белгилашган. **Тошкент вилояти** фуқаролар йиғинлари мутахассислари қайд этган жавоблари қуйидагича: *“5938-ПФ, 4602-ПҚ”* – 2 нафар, *“12.09.2018 йил 725-сонли “ЎЗР фуқароларини хорижга уюшган ҳолда ишга жойлаштириши”* – 2 нафар, *“6038-сонли, 5938- сонли қарорлар”* – 1 нафар, *“Йўқ”* – 4 нафар. **Тошкент шаҳридан** 11 нафар респондент *“Ҳа”*, деган жавоб берилганлигига қарамай, фақат 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ 4829-сонли қарор кўрсатиб ўтилган ва 1 нафари *“Йўқ”* деб жавоб берган.

Жавоблар таҳлили асосида, фуқаролар йиғинлари раис ва раис ўринбосарлари нафақат Халқаро Меҳнат Ташкилоти концепциялари, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони, 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш тизимида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ўрни ва роли янада ошиб бораётганлигини англашлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Бу борада, фуқаролар билан ишлашда меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакатмизда ва мамлакат ташқарисида ҳам меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, меҳнат мигрантларига, жумладан, миграция жараёнидаги хотин-қизларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар, уй-жой билан таъминлашдаги имтиёзлар тўғрисидаги *Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонлари мазмун-моҳиятини маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқароларга етказишда авваламбор, фуқаролар йиғини раиси ва раис ўринбосарлари юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз ва малака ошириши курсларида ҳамда “Маҳалла” телеканали орқали тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим.*

“Сиз иш олиб борадиган маҳаллада меҳнат мигрантларининг оилалари борми? Стастик кўрсаткичлари” саволи бўйича Самарқанд вилоятидан иштирок этган 18 нафар респондент “Ҳа”, 4 нафари эса маҳалла ҳудудидаги меҳнат мигрантларининг оилалари сони бўйича аниқ статистик маълумотларни (19; 17; 6; 73 та оила) ҳам келтириб ўтган, 3 нафари “Йўқ” деб жавоб берган. **Фарғона вилояти**да респондентларнинг барчаси (15 нафар) ҳам “Ҳа албатта бор”, деб фуқаролар йиғинидаги меҳнат мигрантлар сонини келтирган.

Тошкент вилояти “15%”, “12 оила”, “16 та”, “17 оила”, “18 та”, “20 та фуқаро”, “20 оила”, “28 та фуқаро”, “30 оила”, “86 оила”, “44 оила”, “12 аёл, 15 эркак, 25 талаба”, “33 аёл, 45 эркак, 14 талаба”. Бундан Тошкент вилоятидаги меҳнат миграциясида бўлган фуқаролар кўрсаткичи юқори эканлигини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида уларнинг статистик маълумотлари қайд этиб борилишини таъкидлаш лозим.

Тошкент шаҳрида мазкур савол бўйича статистик кўрсаткичлар тўғрисида *“бизда фақат қонуний меҳнат мигрантларининг статистикаси мавжуд”* (1), *“аниқ статистикани юритиш қийин, чунки фуқаролар маҳаллани хабардор қилмасдан четга чиқиб кетишади”* (7) каби фикрлар ифодаланган.

Сўровнома натижаларига кўра, фуқаролар йиғинларида меҳнат мигрантларининг оилалари бўйича статистик маълумотлар барча маҳаллаларда ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди. Бу, албатта, фуқаролар йиғинларида ягона маълумотлар тизими йўлга қўйилмаганлигини ва бунда меҳнат мигрантларининг ўз юртларида қолган оила аъзоларини (асосан хотин-қизлар ва болалар) алоҳида ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифа сифатида белгилашда муаммолар юзага келиши мумкинлигидан далолат беради. Ваҳолангки, тегишли давлат органлари ва фуқаролар ота-она қарамоғисиз қолган (меҳнат миграцияси сабабли ҳам) болалар ҳақидаги маълумотларни бола жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органига белгиланган муҳлат давомида етказиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майда 110-сон қарори билан тасдиқланган “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом талабларига кўра).

Сўровноманинг *“Маҳаллангизда меҳнат мигрантлари билан иш олиб борганмисиз?”* саволига иштирок этган респондентларнинг деярли ярми:

– *“фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўналишида (қонуний меҳнат миграцияси, фирибгарликдан*

эҳтиёт бўлиш, бегона шахсларга асло паспортини бермаслик ва ҳақозо)”;

- “давлатимиз томонидан меҳнат мигрантларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга оид қарор ва фармонлар мазмун-моҳияти тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари”;

- “меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларга, айниқса, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишга жойлаштириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, чорвачилик, паррандачилик, кичик бизнес каби фаолиятни йўлга қўйишидаги имтиёзли кредитлар ажратиш) тўғрисида мунтазам тарғибот-ташвиқот ишлари”;


- суҳбатлар ўтказилган, маҳалла фуқаролар йиғинида рўйхатга киритилган”;

- “четдан келганлар билан суҳбат ўтказилиб, тиббий кўрикдан ўтишади, папка тутилади”

каби жавобларни қайд этишган, айрим иштирокчилар бу тоифадагилар билан қандай иш олиб бориш лозимлигини билмасликларини айтган. Бу фуқаролар йиғинлари раислари ва ўринбосарларининг асосий қисми меҳнат мигрантларининг турли муаммолари бўйича ҳам амалий иш олиб бораётганликларини кўрсатса, баъзи фуқаролар йиғинлари мутахассисларининг бу борадаги билимларини ошириш кераклигини тақозо қилади.

Бугунги кунда меҳнат мигрантларининг ҳаётларида кўп кузатилаётган муаммоларни аниқлаш учун **“Маҳаллада меҳнат мигрантлари сизга қандай муаммолар билан мурожаат этадилар?”** саволи бўйича 1-диаграммада ифодаланганидек, меҳнат мигрантлари фуқаролар йиғинига асосан молиявий ёрдам, уй-жой муаммолари, иш ўринлари, ижтимоий ёрдам тайинланиши каби масалалар бўйича мурожаат этади. Шу билан бирга, 2020 йилда бутун дунёдаги эпидемиологик вазият туфайли меҳнат мигрантларининг пандемия даврида ўз юртларига қайтиш, ишсиз қолиши ва яна иш излаб хорижга кетиш режаларини амалга оширишларида бевосита фуқаролар

Йиғинлари раисларига мурожаат этаётганликларини таъкидлаш лозим.



1-диаграмма. Меҳнат мигрантлари фуқаролар йиғинига мурожаат этиш сабаблари

“Маҳаллангизда оиласига қайтган меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаида қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган?” саволига берилган жавобларда кўрсатилган ташкилотлар 1-жадвалда ифодаланган бўлиб, ундан орган ва ташкилотлар билан бир қаторда маҳалла тадбиркорларининг, хусусий корхоналарнинг роллари таъкидланганлиги эътиборлидир. Бунда хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда ҳам тадбиркорларнинг фаолиятлари самарали ҳисса қўшиши мумкин. Шу билан бирга, *“Профилактика инспектори, хотин-қизлар сектори”*, *“Ҳокимият ва оила бошқармаси”* каби орган ва ташкилотларнинг фаолиятлари ҳам санаб ўтилган.

**Фуқаролар йиғинларида меҳнат мигрантларини ижтимоий
қўллаб-қувватлашда ташкилотлар билан ҳамкорлик**

Жавоблар	Синалувчилар сони
Туман(шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказлари	24
Ҳокимият	12
Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари	9
Барча ташкилотлар	8
Хусусий корхоналар	6
Маҳалла тадбиркорлари ёрдамида	4
Туман ҳокимлиги, халқ талими	2

Меҳнат мигрантларининг ўз юртида қолган оила аъзолари-нинг шароитлари ва фарзандларининг таълим-тарбияси масалалари миграция туфайли юзага келадиган асосий муаммолар билан амалиётда қайси мутахассислар, ташкилотлар шуғулланиши ва бу борада мутахассисларнинг хабардорликларини ўрганиш учун берилган саволга **Самарқанд вилоятида** “*Ота-она*” (9 нафар), “*Барча маҳалла ходимлари*” (7), “*Маҳалла фаоллари*” (4), “*Ҳокимият ва оилани қўллаб-қувватлаш*” (2), “*Маҳалла раиси ўринбосари, профилактика инспектори*”, “*Ўқитувчилар, маҳалла аъзолари*”, **Фарғона вилоятида** эса “*маҳалла ходимлари ва фаоллари ҳамда таълим муассаса педагоглари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз*”, “*маҳалла раиси, раиснинг ўринбосарлари шуғулланади*”, “*туман ҳокимияти билан ҳамкорликда ишлаймиз*”, **Тошкент вилоятида** “*Маҳалла, мактаб, соғлиқни сақлаш, ИИБ*”, **Тошкент шаҳрида** эса “*Маҳалла фаоллари*” (2), “*Ҳокимият ва оилани қўллаб-қувватлаш*” (2), “*профилактика инспектори*” (5), “*Маҳалла раиси*” (4) кабилар кўрсатиб ўтилган. Бир неча респондент улар билан ҳеч ким иш олиб бормаслигини таъкидлаган.

Меҳнат миграцияси туфайли юзага келиши мумкин бўлган асосий муаммолардан бири – бу оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, фарзандларининг таълим-тарбиясидан хабардор бўлиш кабилар эканлигини инобатга олиб, таълим-тарбия муассасалари педагоглари ва фуқаролар йиғинларининг боқувчиси меҳнат миграциясида бўлган оилаларни назоратга олиш бўйича ҳамкорликларини йўлга қўйиш ва кучайтириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарорида ҳам бевосита фуқаролар йиғинларининг бу борадаги вазифалари белгиланганлигини таъкидлаш лозим.

“Хорижда ноқонуний ёки ахлоққа зид фаолият (фоҳишалик ва б.қ.) билан шуғулланган, ёки оғир шароитларда ишлаган хотин-қизларни ўз оиласига қайтариш ва маънавий-ахлоқий билимларини оширишда қандай ишлар ташкил этилган?” саволига **Фарғона вилоятида** бу борада фуқаролар йиғини ходимлари 11 нафари “улар учун муносиб иш ўринларини яратиш керак”, 2 нафари психологик йўналишда иш олиб боришларини қайд этган, 2 нафари жавоб беришмаган. **Самарқанд вилоятида** респондентларнинг 8 нафари “иш билан таъминлаш”, 2 нафари “психологик ёрдам бериш”, 4 нафари “оилавий муносабатларни тиклаш”, 7 нафари “касб-ҳунар ўргатиш” ва 2 нафари “ҳужжатларини тиклаш”, 2 нафари эса жавоб бермаган.

Тошкент шаҳрида “Профилактика ишларини кучайтириш” (4), “Оилага моддий кўмак кўрсатиш” (5), “Реабилитация марказларини кучайтириш” (1) жавоблар олинди ва 2 нафар жавоб бермаган.

Олинган жавоблардан фуқаролар йиғини ходимларига айнан, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича илмий-услубий ёрдам зарурлигини кўришимиз мумкин. Бу борада мазкур масалаларга бағишланган ўқув-услубий қўлланмаларда ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлаш мумкин.

Фуқаролар йиғинлари мутахассисларининг *“Иш фаолиятингизда меҳнат мигрантларини ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда қандай муаммолар мавжуд?”* эканлиги тўғрисидаги саволга Самарқанд вилоятида *“Ота-она меҳри”* – 8 нафар, *“Молиявий”* – 6 нафар *“Пандемия даврида муаммолар кўп бўлди”* – 2, *“Жуда кўп”* – 2 нафар, *“Уй-жой, маиший шароитларни яхшилаш, молиявий ёрдам ва б.қ.”* – 3, *“Ҳомий кам”* – 2 нафар, *“Моддий ёрдам кўрсатилаяпти”* – 2 нафарнинг жавобларидан ота-онанинг миграция сабабли ўз оиласидан узоқлиги сабабли кўпроқ эр-хотин муносабатлари, ота-она – бола муносабатларидаги қийинчиликлар юзага келиши тўғрисидаги хулосага келдик.

Фарғона вилоятида эса 10 нафари *“Иш билан таъминлашда қийналаман”*, 3 нафари *“муаммога дуч келмаганман”* жавобларини қайд этган бўлса, 2 нафари жавоб бермаган. **Тошкент вилоятида** фуқаролар йиғинлари мутахассислари *“Муаммолар мавжуд эмас”* (5), *“Фарзандларига васийлик белгиламай, ота-боболарига ташлаб кетиш муаммоси”* (3), *“Ишга жойлаштириш”* (2) каби фикрларни ифодалаган ҳамда 3 нафар синалувчи жавоб бермаган. **Тошкент шаҳрида** эса *“маҳалла қошида ижтимоий хизматлар етарлича ташкил этилмаган (психологик, ҳуқуқий ва ҳ.к.)”* (5), *“ота-оналарнинг оила ва фарзандларнинг таъминоти, болалар тарбиясидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этмаслиги”* (4), *“муаммога дуч келмаганман”* (3) каби жавоблар беришган.

“Иш фаолиятингизда меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда қандай мутахассисларнинг ёрдами, ресурслар етишмайди?” саволига Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларидан синалувчиларнинг асосий қисми (60 нафар) “психолог, юрист” ёрдами зарурлигини билдирган (2-жадвал).

**Фуқаролар йиғинларида меҳнат мигрантларини
ижтимоий қўллаб-қувватлашда мутахассислар
хизматларига эҳтиёж**

Жавоблар	Синалувчилар сони
“Психолог, ижтимоий ишчи”	7
“Психологлар”	19
“Психолог. Юрист”	8
“Маҳалла фаоллари”	7
“Ижтимоий ходимлар”	3
“Банклар билан яхши алоқа йўқ, имтиёзли кредит ажратиш”	4
“Меҳнат биржасининг натижали иши”	4
“Етарли”	3
“Алоҳида ташкилот шугулланиши керак”	2

**“Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан
ишлашда сизнинг таклифларингиз”** мурожаатига иштирок
этган респондентлардан:

- “Давлат идоралари билан янада кенгроқ ва жиддий
ёндашув билан ҳаракат қилиши керак”;
- “Улар билан доимий мулоқотда, оиласи ва фарзандла-
рининг олдида масъулиятни ошириши”;
- “Уларни ўз юртига меҳр, шукур билан қарашида кўпроқ
ижтимоий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиши”;
- “Касб-ҳунарга ўқитиши, ишга жойлаштириши, тадбир-
корлик қилиши учун кредит олишга амалий ёрдам бериши”,
“Касб-ҳунарга ўқитиши, ишга жойлаштириши, устоз-шогирд
асосида ишлашни хоҳловчиларни тадбиркорларга бирикти-
риши”;
- “Болаларни турли тўғарақларга жалб қилиши, оилани
бандилигини таъминлаш, ота-оналик салоҳиятини ошириши ке-
рак” каби таклифлар олинди.

Мазкур фуқаролар йиғини мутахассислари билан ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили асосида қуйидагиларни ифодалаш мумкин:

1. Фуқаролар йиғини мутахассисларининг меҳнат мигрантлари оилалари билан иш олиб боришлари, уларга турли муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатишлари аниқланди.

2. Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари фуқаролар йиғинига молиявий ёрдам, уй-жой муаммолари, иш ўринлари билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам тайинланиши юзасидан муружаат этади.

3. Фуқаролар йиғини томонидан меҳнат мигрантлари ва уларнинг оиласига мажмуавий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишда психологлар ҳамда ҳуқуқшуносларнинг ёрдами зарурлиги кўрсатилган.

5. Меҳнат мигрантларини ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳомийлик ёрдами, ота-оналарнинг ўз фарзандларига аввало меҳрлари зарурлиги, уй-жой маиший шароитларини яхшилашда ёрдам кўрсатилиши каби муаммоларни ҳал этиш муҳим.

6. Мутахассислар томонидан хорижий давлатларда оғир шароитларда ишлаган хотин-қизларни ўз оилаларига қайтариш, уларнинг маънавий-ахлоқий билимларини ошириш, ҳужжатларини ва оилавий муносабатларни тиклашда кўмаклашиш, психологик ёрдам бериш, касб-хунар ўргатиш, улар учун муносиб иш ўринларини яратиш ва иш билан таъминлаш кераклигини таъкидланди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябридаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарорига биноан маҳалла раислари ва ходимларининг хорижга ишлаш учун кетган ва хориждан қайтиб келган фуқаролар оила аъзоларини ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш бўйича фуқаролар йиғини фаолларининг фаолияти йўналишларини ҳамда педагогик-психологик иш олиб бориш босқичларини

ажратдик ҳамда хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оиласи ҳамда вояга етмаган фарзандларини рўйхатга олиш харитасини таклиф этдик (2-илова).

Шу тариқа, бугунги кунда меҳнат миграциясига оид муаммоларни ҳал этишда хотин-қизлар, ёшлардан иборат меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда жамиятга ҳамда маҳаллий меҳнат бозорига реинтеграция қилиш, жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

2.2-§. Меҳнат мигрантларининг ўз юртида қолган фарзандлари билан ўтказилган педагогик-психологик тадқиқот натижалари таҳлили

Хорижга ишлаш учун кетган ота-она фарзандлари билан ўтказилган **“Рене-Жиля” методикаси** (4-илова) - турли ҳаётий вазиятларда боланинг хулқ-атвори ва унга тааллуқли бошқа одамларнинг муносабатлари хусусиятларини аниқлашдан иборат. Ушбу методика ота-онаси хорижда ишлаётган болаларнинг оила аъзоларига боғланганлиги мавжудлигини аниқлаш мақсадида қўлланилди. Мазкур методика болаларнинг шахслараро муносабатининг ўзига хослигини, уларнинг муваффақиятлилигига таъсир қилиши мумкин бўлган шахсий омиллар ҳамда мулоқотчанлик даражаси, ўзини четга олиш каби хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради.

“Рене-Жиля” методикаси Самарқанд вилоятида 95 нафар ҳамда Тошкент шаҳри 55 нафар миграцияда бўлган ота-оналарнинг фарзандларида ўтказилди (жами 150 нафар). Синалувчиларнинг оиладаги шахслараро муносабатлари ҳақида кенгрок тасавурга эга бўлиш учун, методика билан биргаликда уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам ўрганилди. Ижтимоий мавқеига кўра синалувчиларни икки гуруҳга, яъни ёлғиз онаси билан қолган ҳамда бува ва буви ёки бошқа қариндошлари билан қолган болалар гуруҳига ажратдик (3-жадвал). Ушбу

жадвалдаги кўрсаткичларга кўра, Тошкент шаҳрида ёлғиз онаси билан қолган болалар кўпчиликини ташкил қилиб, уларнинг сони 42 нафарни ташкил этди. Самарқанд вилоятида эса аксинча, буви-бува ёки бошқа қариндошлар билан қолган болалар сони 57 нафарни (95 нафардан) ташкил этди.

3-жадвал.


Меҳнат миграциясида бўлганларнинг фарзандлари гурuhlари

Худудлар	Ёлғиз онаси билан қолган болалар	Буви, бува ёки бошқа қариндошлар билан қолган болалар	Синалувчиларнинг умумий сони
Тошкент шаҳри	42	13	55
Самарқанд вилояти	38	57	95

Тест ва ижтимоий анамнез таҳлили асосида Тошкент шаҳри бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди (2-диаграмма). Ёлғиз онаси билан қолган синалувчилар гуруҳида (диаграммада кўк рангдаги устун) ўз яқинларига боғлиқлик, эмоционал ҳиссий муносабатлари юқори даражада эканлиги аниқланди. Унда энг юқори кўрсаткич биринчи шкала, яъни онага бўлган эмоционал ҳиссий боғлиқлик 85,7% синалувчиларда юқори баллга эгаллиги аниқланди. Сўнг буви ва бувага 80,8%, кейин эса 78,5 фоизида ака-ука ва бошқа катта ёшдаги обрўли кишига боғлиқлик, эмоционал ҳиссий муносабатлари ижобийлигини кўрсатди. Отага нисбатан боғлиқлик кўрсаткичи ижобий бўлса ҳам, бошқа шкалаларга нисбатан паст - 71,4 фоизни ташкил қилади. Отанинг меҳнат миграциясида бўлганлиги сабабли, бошқа яқинларга нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, синалувчиларда бошқа шкала бўйича олинган натижаларни ижобий деб баҳолаш мумкин. Қизиқувчанлик ва

ижтимоий мослашувчанлик синалувчиларнинг кўпчилик қисмида юкори балларга эга бўлди.




2-диаграмма. Тошкент шаҳридаги меҳнат мигрантлари оилаларидаги болалар билан ўтказилган “Рене-Жуля” методикаси натижалари

2-диаграммадан иккинчи гуруҳ синалувчиларининг (қизил рангдаги устун) кўрсаткичлари биринчи гуруҳ синалувчиларидан фарқ қилишини кўриш мумкин. Иккинчи гуруҳ синалувчиларида катталарга нисбатан эмоционал ҳиссий боғлиқлик мавжудлигига қарамай, уларнинг кўрсаткичлари биринчи гуруҳга нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди. Масалан, отага бўлган эмоционал ҳиссий боғлиқлик синалувчиларнинг фақатгина 46,1 фоизда юкори кўрсаткичларга эга. Бундан ташқари “ота-оналарини турмуш қурган жуфтлик сифатида қабул қилиш” шкаласи бўйича ҳам фақатгина 23% синалувчилар юкори кўрсаткичларга эга. Шунингдек, тарбияланувчиларда воқелик марказидан ёки етакчи позициядан узоқлашганлик (15,3%), мулоқотга интилиш (23%) кўрсаткичларининг

пастлигига эътибор бериш лозим. Бу албатта, ота-онанинг узоқлиги, бу ҳолат болаларнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этишини англатади.

Самарқанд вилоятидаги олинган тадқиқот натижалари кўрсаткичлари ҳам диаграмма кўринишида ифодаланиб (3-диаграмма), унда ҳам икки гуруҳ sinalувчиларининг кўрсаткичлари ўзаро солиштирилди.



3-диаграмма. Самарқанд вилоятида меҳнат мигрантлари оилаларидаги болалар билан ўтказилган “Рене-Жуля” методикаси натижалари

3-диаграммадан кўриниб турганидек, иккала гуруҳ sinalувчиларининг кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ёлғиз она билан яшаган sinalувчиларнинг барча шкалалардаги кўрсаткичлари, бошқа қариндошлар билан яшайдиган sinalувчиларга нисбатан юқорироқ ҳисобланади. Натижаларга кўра биринчи гуруҳ sinalувчиларда катталарга, хусусан, онага, буви ва бувага, ака-опаларга, дўстларига нисбатан эмоционал ҳиссий боғлиқлилик, шахслараро муносабат кўрсаткичларини ижобий баҳолаш мумкин. Шу ўринда, онага ҳиссий боғлиқлик 73,6%

синалувчиларда юқори бўлишига қарамай, дўстларига бўлган муносабатни ифодаловчи шкала билан деярли бир хил, 71 фоизни ташкил этди. Бунга оиладаги, хусусан онанинг ўз фарзандлари билан бўлган муносабатларининг ўзига хослигига ҳамда бу ёшдаги синалувчилар учун тенгдошларининг таъсири юқорилиги бўлиши билан тушунтириш мумкин. Иккинчи гуруҳ синалувчиларида ҳам, атрофдаги яқинлари орасидаги энг юқори кўрсаткич дўстларига нисбатан бўлиб, синалувчиларнинг 61 фоизи бу шкала бўйича юқори балларни кўрсатди.

Шунингдек, отага бўлган муносабатнинг иккала гуруҳда бор йўғи 21 фоизида ижобий, ота-онани жуфтлик сифатида қабул қилиш шкаласининг иккила гуруҳда пастлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат, отанинг доимий равишда меҳнат миграциясида бўлиши, боланинг идрокида оиланинг яхлит, ягона жамоа эмаслиги ва отаси ҳамда онаси ўртасида тўлақонли жуфтлик муносабатлари йўқолиши ёки мавжуд эмаслигидан гувоҳлик беради. Бу эса ўз навбатида бола келажак ҳаётида ота-онасининг ҳаёт тажрибасини такрорлашига, оқибатда нотўлиқ оила унинг учун одатий бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, ўзини четга тортиш ҳамда хулқ-атворнинг ижтимоий ўхшашлик шкалалари иккала гуруҳда паст кўрсаткичларга эга. Бу ҳам оиладаги муҳитнинг бола учун номутаносиблиги, оилавий яхлитликнинг йўқлиги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларида мавжуд бўлган муаммоларнинг, фарзандларнинг нафақат ҳиссий-эмоционал, балки хулқ-атворига ҳам салбий таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Шу тариқа, меҳнат мигрантлари оилаларида тарбияланаётган фарзандлари билан ўтказилган методиканинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларни ифодалаш мумкин:

1. Ота-онаси меҳнат миграциясида бўлишига қарамай, синалувчиларда уларга нисбатан эмоционал ҳиссий боғланганлик, ижобий муносабат сақланиб туради.

2. Тошкент шаҳридаги синалувчилар гуруҳининг кўрсаткичларида аниқланган тафовутлар, Самарқанд вилояти синалувчилари кўрсаткичларида ҳам аниқланди, яъни, болаларнинг

ёлғиз онаси ёки бошқа қариндошлар билан яшаши уларнинг шахслараро муносабатларига таъсир кўрсатади.

3. Оилада ота-оналарнинг бири фарзандлари билан бирга қолиши, уларнинг ижтимоий-психологик ҳолати, бошқа қариндошлари билан қолган болаларга нисбатан ижобий кўрсаткичларга эга.

4. Оилада, ота-онанинг иккиси ҳам, айниқса онанинг меҳнат миграциясида бўлиши, фарзандлари учун психологик жиҳатдан оғир кечиши, ўзини четга тортиш, ёпиклик, хулқ-атворнинг ижтимоий ўхшашлиги омилларининг салбий кўрсаткичларга эгаллигини кўрсатди.

5. Оилаларда кўпроқ отанинг меҳнат миграциясида бўлиши сабабли, фарзандларида айнан шу оила аъзосига нисбатан эмоционал ҳиссий боғланганликнинг паст кўрсаткичларга эгаллиги аниқланди.

6. Ота-онанинг меҳнат миграциясида бўлиши нафақат фарзандлари билан шахслараро муносабатларига, балки фарзандларининг ҳиссий-эмоционал ҳолати ва хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланди.

Болаларнинг нотўлиқ оилада тарбияланиши, уларни бошқа қариндошларга қолдириб кетиш, уларнинг оилада шаклланидиган, ижтимоий интеграция учун муҳим бўлган кўникмаларни эгаллаш олмаслиги, ўз ҳиссиётларини бошқара олмаслиги ҳамда шахслараро муносабатларни шакллантира олмаслигига олиб келиши мумкин. Ота-онаси ва яқин қариндошлари томонидан эътиборсиз қолиб кетиши уларда хулқ-атворнинг бузилиши, хусусан, девиант хулқ-атворнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Шу билан биргаликда, тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, фарзандларнинг ўз ота-онасига нисбатан сақланган эмоционал ҳиссий боғлиқлик, ота-онанинг меҳнат миграциясидан қайтиб келганидан сўнг, ота-она ва бошқа мутахассислар ҳамкорлиги ҳамда ёрдами билан тикланиши, ижобий томонга ўзгариши имконияти юқори. Мазкур мақсадда хорижда ишлаб қайтган ота-оналар ва уларнинг фарзандларининг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлан-

тириш машғулотлар дастури (3-илова) ишлаб чиқилди, дастур фуқаролар йиғини таклифига кўра педагог, психологлар томонидан бундай оилалар билан ўтказилиши мумкин.

2.3-§. Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган педагогик-психологик тадқиқот натижалари таҳлили

Меҳнат миграциясидан қайтганлар билан Л.И. Вассерманнинг “Ижтимоий фрустрацияланганлик даражаси диагностикаси” методикаси (В.В. Бойко модификацияси) таҳлили. Ижтимоий фрустрацияланганлик - руҳий зўриқиш кўриниши бўлиб, шахснинг белгиланган ижтимоий иерархиялардаги ютуқлари ва ҳолатидан қониқмаслиги билан боғлиқ. Ижтимоий фрустрацияланганлик инсоннинг ўз ҳаётининг мазкур фурсатида жамиятда эгаллай олган вазиятига эмоционал муносабатини ифодалайди.

Методика ҳаёт фаолиятининг асосий соҳаларида ижтимоий ютуқлардан қониқмаслиқ даражасини аниқлашга қаратилган бўлиб, 20 та саволдан ташкил топган. Таҳлил жараёнида ҳар бир банд бўйича фрустрацияланганлик даража кўрсаткичи аниқланади. У 0 баллдан 4 баллгачани ташкил этиши мумкин. Ҳар бир жавоб вариантыга баллар белгиланади: тўлиқ қониқаман - 0; қониқаман – 1, жавоб беришга қийналаман – 2, кўпроқ қониқмайман – 3, тўлиқ қониқмайман – 4.


Сўровнома Қашқадарё вилояти (22 нафар), Тошкент вилояти (13 нафар), ҳамда Фарғона вилоятидан (14 нафар), жами 49 нафар меҳнат миграциясидан қайтган аёлларда ўтказилди (4-жадвал).

Ижтимоий фрустрацияланганлик даражаси кўрсаткичлари

Вилоятлар (синалувчилар сони)	Ижтимоий фрустрацияланганлик даражаси						
	3,5-4 жуда юқо- ри	3,0-3,4 ошган	2,5-2,9 ўртача	2,0-2,4 ноаниқ	1,5-1,9 пасай- ган	0,5-1,4 жуда паст	0-0,5 мав- жуд эмас
Тошкент ви- лояти (13)	-	2	-	-	2	7	2
Фарғона ви- лояти (14)	-	-	-	-	-	7	7
Қашқадарё вилояти (22)	-	-	2	2	4	9	5
Умумий кўрсаткич - фоизда	-	4,08%	4,08%	4,08%	12,2%	46,9%	38,7%

Тест таҳлили жараёнида ижтимоий фрустрацияланганлик даражаси ҳар бир синалувчининг якуний ўртача индекси аниқланди. Бунинг учун барча бандлар бўйича фрустрацияланганлик кўрсаткичлари кўшилди ва бандлар сони (20) йиғиндисига бўлинди. Баллнинг юқорилиги, ижтимоий фрустрацияланганлик даражасининг юқорилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, синалувчилар томонидан берилган жавобларни умуман олганда меъёрий деб баҳолаш мумкин. Бунда, 46,9% синалувчиларда ижтимоий фрустрацияланганлик даражаси жуда паст кўрсаткичларга эга, 38,7% синалувчиларда мавжуд эмас, 12,2% синалувчиларда пасайган кўрсаткич аниқланди (4-диаграмма).



4-диаграмма. Ижтимоий фрустрацияланганлик кўрсаткичи (фоизда)

Синалувчиларнинг умумий кўрсаткичи нисбатан меъерий бўлиб, бунда ижтимоий фрустрация даражаси юқори кўрсаткичларга эга бўлган синалувчиларнинг жавобларини батафсил таҳлиliga тўхталиб ўтмоқчимиз. Фрустрация даражаси 1,9 балдан 4 балгача бўлган синалувчиларнинг жавобларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келдик:

– 2,5-3 балл тўплаган синалувчилар уй-жой шароитларидан, моддий ҳолат, иш жойини танлаш имкони, умуман ҳаёт тарзи кўрсаткичларига тўлиқ қониқмайман жавобини танлаган;

– 2-1,9 балл тўплаган синалувчилар касбий фаолият шароитларидан, касбий фаолият субъектлари билан ўзаро муносабатлардан, иш мазмуни, иш жойини танлаш имконияти кўрсаткичларига тўлиқ қониқмайман ҳамда кўпроқ қониқмайман жавобларини танлаган;

– синалувчилардан уч нафари маълумоти, фарзандлари билан бўлган муносабат, хизмат соҳаси ҳамда маиший хизмат кўрсатиш кўрсаткичларида қониқмайман/тўлиқ қониқмайман деган жавобларни танлаган.

Таҳлил натижаларига кўра, аёлларнинг деярли барчаси, моддий ҳолат, уй-жой, рўзғор шароитларидан қониқмаганлиги

сабабли, уларни яхшилаш мақсадида меҳнат миграциясига жўнаб кетишга қарор қилишлари тўғрисида хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари касбий фаолият билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Булар: ҳамкасб ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида бошқа субъектлар билан муносабатларининг салбийлиги, касб танлаш ҳамда эгалаган касбий маълумотдан қониқмаганлик каби муаммолар мавжудлигидир.

Шубҳасиз, маълум бир сабабларга кўра касб ёки мутахассислик эгалламаган аёллар, фақатгина паст маош бериладиган иш ўринларида ишлай олади, бу албатта уларда ўз иш фаолиятдан қониқмаганликни ҳамда иш ҳақи юқорироқ бўлган иш жойини кидиришга ундайди.

Бундан ташқари, фарзандлари билан муносабатларида муаммолари мавжуд синалувчилар бўлиб, бундай аёлларда пул ишлаб топиш, оилани боқиш каби вазифалар биринчи ўринда туриши, фарзандларига ҳамда уларнинг тарбиясига етарли даражада вақт ажрата олмаслиги оқибатида юзага келганлиги тўғрисидаги хулосага келиш мумкин.


Шахснинг ижтимоий яккаланганлик даражасини аниқлаш экспресс тести (Д. Рассел ва М. Фергюссон) натижалари. Мазкур методика шахснинг ёлғизлик ва ижтимоий яккаланганлик даражасини аниқлашга қаратилган. Методика 20та фикрлар ифодаларидан иборат бўлиб, шахсга тўрт вариантда жавобни танлаш тавсия этилади: “ҳеч қачон” - 0 балл, “камдан-кам” - 1балл, “баъзан” - 2 балл, “кўпинча” - 3 балл. Балларнинг умумий кўрсаткичи орқали шахснинг ижтимоий яккаланганлик даражасини аниқлаш мумкин.

Методика Тошкент вилояти (11 нафар), Самарқанд вилояти (33 нафар), Қашқадарё вилояти (29 нафар) ҳамда Фарғона вилояти (8 нафар), жами 81 нафар оила бошлиғи меҳнат миграциясида бўлган аёлларда ўтказилган (5-жадвал).

Ижтимоий яккаланганлик даражаси кўрсаткичлари

Вилоятлар	Ижтимоий яккаланганлик даражаси			Синалувчиларнинг умумий сони
	Юқори (41-60 балл)	Ўрта (21-40 балл)	Паст (0-20 балл)	
Қашқадарё вилояти	2	8	19	29
Самарқанд вилояти	2	6	25	33
Тошкент вилояти	1	6	4	11
Фарғона вилояти	1	3	4	8
Жами	6	23	52	81

Олинган натижалар диаграмма кўринишида ифодаланди (5-диаграмма). Сўровнома натижаларига кўра аёлларнинг кўпчилиги қисмида, яъни 69 фоизда ижтимоий яккаланганлик даражаси пастлигини кўрсатди. Қолган 23 фоизда ижтимоий яккаланганлик ўртача даражаси ҳамда 7,6 фоизда ижтимоий яккаланганликнинг юқори даражаси аниқланди



5-диаграмма. Ижтимоий яккаланганлик даражаси

Ушбу методика натижалари, кўпчилик аёлларда ижтимоий яккаланганлик даражаси пастлигини кўрсатди, бундай кўрсаткичларга бир қанча омиллар сабаб бўлиши мумкин, масалан яқин қариндошлар томонидан қўллаб-қувватланиш кабилар. Оила бошлиғи меҳнат миграциясида бўлган аёлларга оналари, қайнота-қайнона, опа-акалари ва бошқа қариндошлар томонидан берилган кўмак (моддий ҳамда рухий қўллаб-қувватловчи), оила бошлиғининг йўқлиги оқибатида аёлнинг ҳаётидаги қийинчиликларини енгишига ёрдам беради.

Мазкур ўтказилган методика натижалари асосида қуйидагиларни ифодалаш мумкин:

– Турмуш ўртоғи узоқ вақтга кетган аёллар, уй-рўзғор билан боғлиқ бўлган муаммоларни барчасини ўзи мустақил равишда ечишига тўғри келиши мумкин. Рўзғор юмушлардан ташқари (агар ишлайдиган аёл бўлса) иш билан боғлиқ вазифалар, болаларнинг тарбияси, уларнинг таълим олиш билан боғлиқ ташвишлари, аёлга ўзининг психологик ҳолатини ўйлашга имкон бермайди, у фақатгина ўз ташвишларини ҳал қилишига тўғри келади;

– оилада, эр-хотин ўртасида ижобий муҳитнинг сақланиб қолиши. Айрим оилаларда эрнинг узоқда бўлишига қарамай, телефон қўнғироқлари орқали доимий алоқада бўлиш, шунингдек эрининг пул жўнатмалари орқали оилани таъминлаши илик муносабатларнинг сақланиши, аёл учун катта рухий ёрдам бўлади;

– эри узоқ вақт давомида меҳнат миграциясида бўлганлиги туфайли юзага келган ҳолатга кўникиш, мавжуд шароитларга ижтимоий-психологик мослашишига ундайди. Шунинг учун ҳам, аёл барча ҳаётий қийинчиликларни якка тартибда ҳал қилишга одатланган бўлиши мумкин.

Шунингдек, ижтимоий яккаланганликнинг ўртача ва юқори кўрсаткичларга эга бўлган аёлларда эса аксинча, яқинлари томонидан қўллаб-қувватланмаслиги, бошига тушган ташвишларнинг уддасидан чиқмаслиги, болалар тарбияси билан боғлиқ юзага келган муаммолар, юқори жисмоний ҳамда психологик

босим, эрининг оила билан бирга эмаслигини руҳий жиҳатдан оғир кечириши ҳолати мавжуд бўлиши мумкин.

2.4-§. Хорижда ишлаб қайтган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган интервью натижалари таҳлили

Лойиҳа ижрочилари томонидан ишлаб чиқилган интервьюда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оиласи мавқеи, эҳтиёжлари, муаммолари, миграция билан боғлиқ хотиралари ўрганиш кўзда тутилган. Интервьюда Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Нурафшон, Бекобод шаҳар, Янгийўл тумани, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ҳамда Қамаши тумани, Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида хорижда ишлаб қайтган фуқаролар, шунингдек оила бошлиғи хорижда ишлаётган 55 нафар аёллар иштирок этди. Улардан 40 нафари (72%) ўзи миграцияда бўлган, 15 нафари (28%) эса оилада турмуш ўртоғи ёки ака-укалари, ёки отаси хорижда ишлаётган аёллар ташкил этди.

Интервьюда қатнашган аёлларнинг 15 фоизи 25-35 ёш, 22 фоизини 35-45 ёшдаги, 60 фоизини - 45-55 ёшда, 13 фоизи - 55 ёшдан катта бўлган аёллар ташкил этди. Уларнинг барчаси (100%) тўлиқ ўрта маълумот ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлганлардан иборат.

Улардан 80 фоизи турмуш қурган, 20 фоизи ҳали турмушга чиқмаган хотин-қизлардан иборат. 44 нафар (80 %) оилали аёллардан 13 нафари (30 %) турли ижтимоий-психологик сабаблар туфайли никоҳи бекор бўлган аёлларни ташкил этди. Улардан 3 нафари фуқаролик судларига фарзандининг яшаш жойини белгилаш билан боғлиқ низоли даъво аризаларини берган.

Биз билан интервьюда иштирок этган аёлларнинг 10 нафари кам таъминланганлиги, боқувчиси йўқлиги каби сабаблар билан ўз фарзандини (1-3 нафар) махсус таълим-тарбия муассасасига ёки Меҳрибонлик уйига жойлаштирган.

Интервьюда қатнашган аёллар хорижга ишлашга борганлиги ёки бормаганлигидан қатъий назар турли хил асаб,

қон-томир тизими, бўғимлар безовта қилиши ва эндокрин тизими билан боғлиқ касалликлар безовта қилишидан шикоят қилган. Жумладан, 70% аёлларда қон босими ошиши кабилар кузатилади, уларнинг кўпчилиги 45 ёшдан катта бўлган аёллардан иборат.

Аёллар билан ўтказилган интервью натижаларини қуйидаги соҳалар бўйича таҳлил қилдик:

1. Меҳнат миграциясининг вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланиш ва ўз оналик мажбуриятларини бажаришига таъсири: педагогик-психологик омиллари. Интервьюда иштирок этган оналарнинг баъзилари (18 нафари) ўзларининг 1 ёшдаги, 3 ёшдаги, 6-7 ёшдаги фарзандларини она сутидан тўймасидан турмуш ўртоғи билан ёки ёлғиз боқувчи бўлганлиги сабабли хорижга ишлашга кетган аёллардир.

Ушбу аёлларнинг аксарияти фарзандида шакланмай қолган ҳиссий боғланганлик мазмунида ўзларининг турли мулоҳазалари, изтиробларини билдирганлар:

- *“Фарзандим мени танимай қолди”;*

- *“Қайнонамни этагини тутиб олган. Уни мен туққанман, эмизганман, лекин у бувисисиз яшай олмасмиш. Ҳали судлашиб бўлса ҳам боламни тортиб оламан!”;*

- *“Мен у ерда ишлаб пул топиб, фарзандимнинг моддий орзу-ҳавасини амалга ошириш учун қийналиб яшадим, лекин болам буни қадрини билмаяпти”;*

- *“Барча шароитларни муҳайё қилдим, лекин фарзандим буни билмаяпти”;*

- *“Оқибатсизликда кимга ўхшади? Мен ота-онамга бунга ўхшаб бепарво бўлмагандим...”*

Гарчи бу қайғули гаплар болада онасига нисбатан ҳиссий боғланишнинг бузилишидан яққол далолат берувчи ҳолат бўлсада, оналар пул топишни, моддий орзу-ҳавасни устун қўйиб, фарзандининг муҳим болалик даврида ўз оналик мажбуриятини бажариш вазифасининг устуворлигини унутгани оқибатидир!

Аёллар билан интервью давомида “*Меҳнат миграциясига кетишингизни туб сабаблари нималардан иборат?*” саволига улар қуйидаги мазмундаги жавобни билдирганлар:

- “*Турмуш ўртоғим Россияга кетганларидан кейин ўзим ёлғиз қолдим. Уйда қайнонамлар, қайнилари билан қийналдим. Улар менга турли қўпол муомала қилишга одатландилар, эримга ҳам мен ҳақимда ёмон гаплар айтишарди. Болаларим бири боғчага, бошқаси мактабга чиқарди. Қайнонамга мен ҳам кўпроқ пул топишга ёрдам бераман, деб розиликларини олдим. Эрим кетидан кетсам бўлди, деган фикрда шу уйдаги қийинчиликлардан қутуламан, деб ўйлагандим”.*

- “*Турмуш ўртоғим Россияда бошқа аёлни топиб олишидан кўрқдим, шу сабабли бирга кетдим. Болаларни эса қайнонам олиб қоламан, деганларига хурсанд бўлдим”.*

- “*Эрим жўнатадиган пул кам эди, болаларимни боқишга етмасди. Уйдагиларнинг гап-сўзлари ҳам жонга текканди”.*

- “*Ёлғиз онаман. Фарзандимни никоҳсиз туғдим. Кўни-қўшниларнинг турли гаплари, уйдагиларнинг мендан ор қилгани учун ҳам, боламни Болалар уйига қолдириб, ишлайман, деб чиқиб кетдим. Аслида бу ердаги гап-сўزلардан чарчадим. Ўзимнинг уйим йўқ, даромадим кунбай: кафедра идиш юваман”.*

Интервьюда иштирок этган аёлларнинг аксариятида “пул топиш учун четга чиқиш” нияти остида оиладаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ муаммолар, ўзини уйда эркин ҳис қила олмаслиги, яқинлари томонидан кўрсатиладиган психологик босим кабилар аниқланди. Улар моддий таъминот билан боғлиқ сабабларни кўрсатишсада, аслида оиладаги турли психологик, эмоционал нотурғунликдан чарчаб, муаммолардан “қочиш”га уринган аёллар. Бу фикрнинг аёлларнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди:

- “*сабр қилганимда болаларимни ҳам йўқотмасдим. Уйдаги нотинчлик сабабли кетдим: бунга қайнонам сабаб. Энди эса боламни ҳам ўзига оғдириб олибди. Россияда 6 йил ишлаган бўлсам боламга пул жўнатиб турдим, телефонда гаплашдим. Кетганимда кичик қизим 2 ёш, ўғлим эса 8 ёш эди. Яхши ҳам*

қайтдим. Ўзим ҳозир 14 ёшда, қизим, каттароқ бўлганида қайтсам боламни қайтариб ололмас эканман. Суд йўли билан бўлса ҳам боламни оламан. Лекин болам менга қарши тарбияланган, мен билан гаплашгиси ҳам келмайди”.

Ҳаётда куйидаги ҳолатлар учрайди: ўзаро келишган ҳолда она фарзандини кичик ёшлигида қайнонасига қолдириб кетади, гўдак она меҳрини бувисидан ёки амма, холасидан ҳис қилади. Узоқ йиллар давомида бола онаси овозини фақат телефон орқали суҳбатларда эшитиши, ундан моддий таъминот олиб туриши мумкин. Она қайтиб келгач эса фарзандидан ўзига муносиб жавобни кутади. Афсуски она эндиликда бола учун ўз кадр-қимматини йўқотган, бола бу аёлни деярли танимаслиги ёки она деб тан олмаслиги ҳам мумкин. Чунки бола энг муҳим ривожланиш даврида оналик ғамхўрлигини ўз онасидан эмас, балки уни тарбиялаган қариндошларидан олган. У ўзини катта қилган қариндошларига ҳиссий боғланган. Бундай йўқотишлар она ва фарзанд муносабатларига салбий қилади. Оилавий ажримлар вақтида фарзанднинг ким билан қолиши, унинг яшаш жойини белгилаш, онасига қайтариб бериш ва шу каби низолар илдизи ҳам хорижга ишлаш учун кетиш эканлиги, оқибатда боланинг сарсонлиги ачинарли ҳолатдир.

Миграция вояга етмаганларнинг оналик меҳрини кўрмай ўсиши билан бир қаторда, қариндошлар томонидан таҳқирланиб ўсишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ота-она яқинларига фарзандини ишониб қолдириб кетган, уларнинг таъминоти учун пул жўнатиб турган бўлсада – болаларнинг ёш, индивидуал хусусиятлари, оилада ўрнатилган муомала хусусияти, оиладаги катталарнинг болаларга нисбатан эътибори, ғамхўрлик даражаси – уларнинг ижтимоийлашувига турлича таъсир қилган. Бунда куйидаги **педагогик-психологик омиллар** таъсирини ифодалаш мумкин:

-оила аъзоларининг болага нисбатан жисмоний, психологик кўпол муносабат кўрсатиши;

-ота-онаси йўқ вақтида боланинг унга ғамхўрлик қилаётган меҳрибон инсонларга нисбатан ҳиссий боғланиши;

-она билан жонли – эмоционал, тактил мулоқотнинг мавжуд эмаслиги, ўрнини бошқа яқинлари тўлдирётганлиги;

-боланинг маънавий ҳаётида ғамхўрлик кўрсатаётган яқин инсонларининг болани ҳар соҳада химоя қилиши;

-оила аъзолари томонидан боланинг бўш вақти унумли тақсимланмаслиги;

-кун тартиби режалаштирилмаганлиги;

-кун давомида боланинг нималар билан бандлиги назорат остига олинмаганлиги ва бошқалар.

Ота-она ва фарзанд муносабатларига салбий таъсир қилган куйидаги **педагогик-психологик** омилларни ажратиш мумкин:

-боланинг кичик ёшлигидан оиланинг бошқа аъзоларига қолдирилиши;

-оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар;

-ота-онанинг хорижда ишлаш даврининг узоқлиги;

-болалар онгига оиласининг бошқа аъзолари томонидан ота-онасига нисбатан норозилик ҳиссининг сингдирилиши;

-қайнона, қайногачи, қайни сингиллар ва келин муносабатларидаги зиддиятларнинг боланинг онага нисбатан кайфияти, муносабатига сингдирилиши;

-ота-она томонидан жўнатилаётган моддий бойликларнинг бола ихтиёрига берилиши ёки узоқ вақт мобайнида боланинг моддий таъминотсиз қолиши;

-атрофдаги дўстларидан фарқли равишда боланинг моддий таъминотидаги фарқланиш: иқтисодий ўта муҳтожлик ёки аксинча моддий (кийиниши, ишлатаётган техника воситалари ва ш.к.) неъматлар билан фарқланиши;

-боланинг тарбиясида қийинчиликларга учраган қариндошлари уни Меҳрибонлик уйига ёки унинг тарбияси сабабли ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши ва ҳ.к.

Ота-оналар фарзандини қолдириб хорижга ишлашга кетишининг сабаби сифатида ўзини оқловчи далилларни келтиришга уринсада, йиллар мобайнида ота-оналар ўзлари англамаган бир психологик муаммо юзага келганлигини кузатиш

мумкин: узоқ давр мобайнида фарзандини парваришлаш, у хақида қайғуриш, уларнинг ташвишисиз яшашга ўрганган ота-онада ўз ота-оналик мажбуриятини унутиш, ўзининг болани ҳар томонлама ривожланишидаги аҳамиятидан узоқлашиш содир бўлади. Улар фарзанд олдидаги ўзининг маънавий қадриятлар билан боғлиқ мажбуриятларини эмас, балки моддий таъминот билан боғлиқ тарозиси билан ўлчашга мойил бўлиб қолади. Энг ачинарлиси – болаликнинг муҳим даврида ота-онасига нисбатан ҳиссий боғланганлиги шаклланмай болалигида ота-онаси меҳрига тўймай ҳиссий-иродавий соҳасидаги бўшлиқ билан улғаяди.

2. Эр-хотин муносабатига миграциянинг ижтимоий, психологик таъсири. Меҳнат миграциясининг оиладаги турли низолар пайдо бўлишида аҳамияти борлиги сир эмас. Кузатишларимизга кўра, боланинг яшаш жойини белгилаш билан боғлиқ низоларнинг аксариятида эр ва хотинларнинг ўзаро келиша олмаслиги, бир-биридан аламзадалиги, бирининг иккинчисидан қасдини олишга интилиши каби мотивлар ҳам ётади. Интервью ўтказилган аёллардан 3 нафари бундай муаммоларга дуч келган. Қуйида уларнинг фикрларини келтирамиз:

- *“Америка Қўшма Штатларига Грин карт билан кетганман. Бу ташаббус эримдан чиққан. Лекин у илгари АҚШдан депорт қилинган бўлганлиги сабабли у Грин-карт танловидан ўтмади. Рухсат фақат менга тегди. Ўғлим ўша вақтда 4 ёш эди. Эрим аламидан ўғлимни АҚШга олиб чиқишимга рухсат бермади. Ўзи шундай ҳам ҳаётимиз нотинч эди. Эрим мени кўп мартаба калтаклаган, тайинли иш жойига эга бўлмаган. Эрим ўзим ёлғиз кетишимга турлича қаршиликлар кўрсатди, кейин боламдан фойдаланди. Лекин барибир уни кўндириб кетдим. У ердан ҳар йили Тошкентга келиб-келиб юрдим. Орасида билсам, эрим бошқа аёл билан никоҳланиб олибди”.*

- *“Мен қайнонам розилиги билан эримнинг ишсизлиги ва соғлиги яхши эмаслиги сабабли 3 нафар фарзандимни уларга қолдириб, Россияга ишлагани кетдим. 5 йил у ерда қийналиб ишлаб, пулимни оиламга жўнатиб турдим. Болаларим билан*

телефонда гаплашиб турардим. Уларни соғинганим сабабли уйга қайтдим. Қайтишим ҳақида гапирсам эрим ҳар гал Россияда ишлашимни истаб фикримдан қайтаришига уринаверди. Келсам эрим менга совуққон, болаларим мендан ниманидир беркитишяпти, қайнонам ҳам истамайгина муомала қиляпти. Эрим кўпинча ишим бор деб чиқиб кетадиган одати кўпайди. Билсам, у бошқасига никоҳланиб олган, ундан 1 та фарзанди ҳам бор экан. Болаларимни олиб ота уйимга кетаман десам, фарзандларим бувисини танлади. Кетмаймиз деб оёқ тираб олишиди. Ҳозир энди болаларимни кўнглини ўзимга иситиши билан овораман”.

Куйида фикрлари баён қилинадиган аёлнинг ота-онаси ҳаёти ва ўзининг шахсий ҳаёти тажрибасида ҳам салбий оқибатларга олиб келган ҳолатларни кўришимиз мумкин:

- “Отам, акам 16 йил илгари Россияга ишлагани кетишган. Мен кенжа фарзанд бўлганим сабабли ўша вақтлар хали 6-7 синфларда ўқирдим. Ҳозир мен ҳам 3 та фарзандликман. Отам ҳозир Россия фуқаролигини олган. Отам шу кетганича 2-3 йилда бир марта биз – фарзандлари учун келиб турарди. Ҳозир отамни Россияда бошқа оиласи бор, у ҳам ўзбек аёл, 2 фарзандли бўлган. Онам эрнинг бевафолигига, унинг эътиборсизлигига, кундошликдан кўп қийналди, сиқилиб “сахар” бўлиб қолди. Жўнатадиган пулларини ҳам қизғониб беради, онамни кўнглиларига татимайди. Баъзан “отанг Россияга кетмай, шу ерда тирикчилигини қилганида кундошлик бўлмасмиди?!” деб кўп афсусланадилар. Ахир отам онамга севиб уйлангандилар! Ўзим ҳам вақтида ота меҳрини кўрмадим”.

Лойиҳа доирасида амалга оширилган ўрганиш ишларининг кўрсатишича, меҳнат миграцияси узоқ йиллар давомида бирга яшамаган эр ва хотин ўртасида бир-бирига нисбатан ҳиссий меҳрининг совушига, ўртада хиёнат ёки шубҳа каби муаммоларнинг пайдо бўлиши мумкин. Натижада пул топиш билан ҳаётининг муҳим даврини оиласидан олисда ўтказган фуқаро оиласи мустаҳкамлигига зиён етиб, турли инкирозли ҳодисалар сабабли, қийин шароитда қолади. Шу сабабли

никоҳларнинг бекор бўлишида ҳам миграциянинг таъсирини таъкидлаш мумкин.

3. Мигрант аёлларнинг ўз юртига реинтеграцияси давридаги ижтимоий-психологик муаммолари. Хориж мамлакатларидаги яшаш ҳудуди инфраструктураси, шахсларо муносабатлар, маънавий муҳити, маданияти каби соҳалари Ўзбекистон шароитидан фарқланади. Турли хил маданият (кийиниш, муомала, уй-рўзғорини тутиш ва ҳ.к.) муҳитида яшаган инсоннинг эҳтиёжлари, маиший-хўжалик шароитлари каби қарашлари ўзгариши ҳам табиий. Биз интервью ўтказган аёллар фикрларида ҳам хориж давлатидаги ва ўз юртидаги шарт-шароитлардаги фарқли жихатлар ифодаланди. Куйида уларнинг ўз Ватанига қайтганидан сўнг эътибор қаратган омилларига тўхталиб ўтамиз:

-“Туркия йўллари жуда ҳам чиройли, денгиз соҳили шаббадаси эсиб туради... У ерда кўрган қулайликларимдан кейин қишлоғимдаги шароитга кўникишим қийин бўлди. Ҳозир уйимни жиҳозлашда, ҳовлини пардозлашда Туркияда кўрган русумларни қўллашга ҳаракат қилмоқдаман”;

-“Туркияда яшаб ўзбек тилимда ҳам туркча сўзларни кўйиб гаплашишига одатланиб қолдим”;

-“Россияда кўча супурувчиси бўлиб ишладим. Ишлаб топган пулим яшашга етарди. Лекин қишлоқда иш топа олмаялман. Яна кетишни режаслаштирялман”;

-“Бошида Россияга эрим билан уйни замонавий қилиб таъмирлашга пул йиғиш учун бориб ишладик, кейин бошқа гал “машина оламан” дедилар. Энди эса боламни ўқитамиз, деб ўйлаб яна кетишни режаслаштирялмиз. Шу тариқа йилларимиз ўтмоқда. Ўз уйимизда кўним яшашдан чиқиб қолибмиз. Лекин боламни тарбиясидан кўнглим нотинч. Унга бизни пулимиз кўпроқ муҳим бўлиб қолган. Бизга меҳри йўқ. Баъзан ўзимнинг ҳам унга насиҳатлар қилишига сабрим чидамайди”.

-“Эрим Россиядаги аёлларни кўриб, мени ҳам рус аёлларидек замонавий бўлишимни истайди. Илгари эрим оилапарвар, менга меҳрибон эди. Ўша вақтлар қайтса эди?!”

Хорижда ишлаб қайтганлар билан суҳбатда уларнинг фикрларида ўз Ватанига қайтиш жараёнида дуч келган турли муаммолар ифодаланди. Улар орасида қуйидаги ижтимоий, педагогик, психологик муаммоларни таъкидлаш мумкин:

-ўз Ватани имкониятларига нисбатан қиёсий нуқтаи-назар, бефарқлик, ўзга давлат имкониятларини устун қўйиш каби салбий муносабат;

-тил ва нутқ маданиятидаги нотурғунлик;

-ўзини иш билан банд қилиш;

-иктисодий таъминот масаласида эҳтиёжлар даражасининг ортиши ва аввалги шароитдан қоникмаслик, моддий қадриятлар устуворлигининг кучайиши;

-оиладаги ижтимоий ролларнинг ўзгариши;

-оилавий қадриятлар, шахсларо муносабатларнинг ўзгариши;

-фарзанд олдида ота-оналик обрўсининг маънавий қадриятлар билан эмас, балки моддий қадриятлар билан ўлчаниши;

-ота-оналик мажбуриятига оид йўналганликнинг ўзгариши;

-тарбиялаш, меҳр бериш мажбуриятдан узоқлашиш, аксинча моддий таъминот вазифасини устун қўйиш ва ҳ.к.

Хорижга ишлаш учун кетган ота-онаси билан бирга узоқ йилларга кетган болаларда ҳам ўз Ватанига қайтганида кузатиладиган турли педагогик-психологик ҳолатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

-кичик ёшидан бошқа халқ ва миллат маданиятига хос одат, анъаналар, қадриятларнинг шаклланганлиги сабабли, ўз юртига қайтгач, миллий қадриятлари, одатларини қабул қилишдаги юзага келадиган муаммолар;

-мактаб таълими тизимидаги тафовутларни фарқлаш, уларни солиштиришга мойиллик;

-узоқ йиллар муомала қилмаган ёки кўрмаган қариндошлари билан муносабат ўрнатишдаги муаммолар;

-ўзининг келажаги билан боғлиқ истиқболларни ўзи яшаган ўзга юрт билан боғлаш;

-тенгдошлари даврасида ўз ўрнини тиклашга ва ўз обрўсини топиш билан боғлиқ қийинчиликлар ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазиятларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартибнинг бузилиши ҳолатлари учрайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сонли қарори билан тасдиқланган “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом талабларига кўра тегишли давлат органлари, фуқаролар ота-она қарамогисиз қолган болалар ҳақидаги маълумотларни бола жойлашган худуддаги васийлик ва ҳомийлик органига белгиланган муҳлат давомида етказиши шарт.

“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли Қарорига илова “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низом талабларига кўра эса ота-она б ойдан ортиқ даврга чет эл мамлакатларига кетган тақдирида ва бола назоратсиз, қаровисиз қолганида унга нисбатан албатта қонуний вакил белгиланиши шарт. Бола муайян ишончли ҳамда бола манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган шахсга ёшидан келиб чиққан ҳолда васийликка ёки ҳомийликка берилиши лозим.

Аёллар билан олиб борилган интервью давомида оила ҳаётининг турли соҳасига тааллуқли аниқланган муаммолар – профилактик босқичлардан, фуқароларнинг хорижга ишлаш учун кетишидан аввал эътибор бериш керак бўлган соҳаларни ажратиш имконини берди:

1. Меҳнат миграциясининг ота-она ва фарзанд муносабатларига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган соҳалари ҳақида фуқаролар, айниқса аёлларнинг онгли тасаввурларини шакллантириш. Бу мақсадда улар билан боланинг ёш психологияси, унинг эҳтиёжлари, боланинг эрта болалик даврларида ривож-

ланишида онага нисбатан ҳиссий боғланиш шаклланишининг ўрни ва аҳамияти, акс ҳолда қандай салбий педагогик-психологик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида индивидуал суҳбатлар, психологик консультациялар берилишини йўлга қўйиш. Бунда лойиҳа натижаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларида, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида меҳнат мигрантларидан иборат аёлларнинг ташаббусли жамоасини ташкил қилиш. Улар ўз ўрнида ҳаётий тажрибаси асосида аёлларга сабоқ мактаби сифатида хизмат қилиши мумкин.

3. Меҳнат миграциясига кетишга қатъий қарор қилган ота-оналар фарзандларига қонуний вакил белгилаш бўйича тартибни кучайтириш. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия муассасаларидаги ваколатли шахслар учун ота-она ва бола учун қонуний васийларнинг Ўзбекистон Республикасида қонунчилиги бўйича ҳуқуқ, мажбуриятлари, вояга етмаганларга нисбатан қонуний вакил белгилашнинг аҳамияти ва тартиби, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига етказиш тартиби, уларнинг маъмурий жавобгарлиги мавжудлиги борасидаги хабардорлигини ошириш мақсадида ўқув семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил этиш.

ХУЛОСАЛАР

Дунёнинг аҳоли миграцияси учрамайдиган мамлакат ва унинг таъсирига дуч келмаган жамият деярли учрамайди. Хорижда ишлаб ўз оиласига қайтган фуқароларнинг реинтеграцияси масаласи кенг қамровли ёндашувни талаб қиладиган жараёндир. Уларга мослашишлари учун муайян вақт, қонунчиликдаги ўзгаришларни идрок этишлари учун имконият, муайян қийинчиликларга учраб қайтган тақдирда психологик кўллаб-қувватлаш зарур ҳисобланади.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган фуқаролар йиғини ходимлари учун сўровнома, ўз юртига қайтган меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган интервью, психологик ташҳис методикаларининг таҳлили асосида кўйидаги **хулосалар**ни ифодалаймиз:

1. Амалиётда фуқаролар йиғини мутахассисларининг меҳнат мигрантлари оилалари билан иш олиб боришлари, уларга турли муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатишлари аниқланди.

2. Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари фуқаролар йиғинига молиявий ёрдам, уй-жой муаммолари, иш ўринлари билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам тайинланиши юзасидан муурожаат этади. Мутахассислар томонидан хорижий давлатларда оғир шароитларда ишлаган хотин-қизларни ўз оилаларига қайтариш, уларнинг маънавий-ахлоқий билимларини ошириш, ҳужжатларини ва оилавий муносабатларни тиклашда кўмаклашиш, психологик ёрдам бериш, касб-хунар ўргатиш, улар учун муносиб иш ўринларини яратиш ва иш билан таъминлаш кераклиги таъкидланди.

3. Меҳнат мигрантлари оиласида болаларнинг ёлғиз онаси ёки бошқа қариндошлар билан яшаши уларнинг шахслараро муносабатларига таъсир кўрсатади. Оилада ота-онадан бири фарзандлари билан бирга қолиши, уларнинг ижтимоий-психологик ҳолати, бошқа қариндошлари билан қолган

болаларга нисбатан ижобий кўрсаткичларга эга. Оилада, ота-онанинг иккиси ҳам, айниқса онанинг меҳнат миграциясида бўлиши, фарзандлари учун психологик жиҳатдан оғир кечиши, ўзини четга тортиш, ёпиклик, хулқ-атворнинг ижтимоий ўхшашлиги омилларининг салбий кўрсаткичларга эгалигини кўрсатди. Ота-онанинг меҳнат миграциясида бўлиши нафақат фарзандлари билан шахслараро муносабатларига, балки фарзандларининг хиссий-эмоционал ҳолати ва хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланди.

4. Боланинг хорижда ишлаган ўз ота-онасини жуфтлик сифатида қабул қилмаслиги, отанинг доимий равишда меҳнат миграциясида бўлиши, боланинг идрокида оиланинг яхлит, ягона жамоа эмаслиги ва отаси ҳамда онаси ўртасида тўлақонли жуфтлик муносабатлари йўқолиши ёки мавжуд эмаслигидан гувоҳлик беради.

5. Аёл меҳнат мигрантлари ўртасида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий яққаланганлик даражаси юқори бўлган аёлларда, яқинлари томонидан қўллаб-қувватланмаслиги, бошига тушган ташвишларнинг уддасидан чиқмаслиги, болалар тарбияси билан боғлиқ муаммолар, юқори жисмоний ҳамда психологик босим, эрининг оила билан бирга эмаслигини руҳий жиҳатдан оғир кечириши ҳолати мавжуд бўлиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майда 110-сон қарори билан тасдиқланган “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом талабларига кўра тегишли давлат органлари, фуқаролар ота-она қарамоғисиз қолган (меҳнат миграцияси сабабли ҳам) болалар ҳақидаги маълумотларни бола жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органига белгиланган муҳлат давомида етказиши тартибини тўлиқ таъминланиши.

7. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия

муассасаларидаги ваколатли шахслар учун бола учун қонуний васийларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳуқуқ, мажбуриятлари, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига етказиш тартиби, уларнинг маъмурий жавобгарлиги мавжудлиги борасидаги хабардорлигини ошириш мақсадида ўқув семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда “Маҳалла” телеканали орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /08.12.1992 йил. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон. <https://lex.uz/docs/20596>
2. Азаматова Г.Б. Халқаро меҳнат миграция жараёнида жаҳон ва Ўзбекистон иштирокининг ўзига хос жиҳатлари // <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-12>
3. Антипов А.А. Развитие личностной идентичности у подростков из семей беженцев и переселенцев. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Москва, 2003 г.
4. Ахмедова Д.О. Хотин-қизлар меҳнат миграциясининг ижтимоий оқибатлари // “Oriental art and culture” Scientific-Methodical Journal.- 2020. - №3. – С.177-178.
5. Боярин Л.В. Психологические особенности социально непропорционального поведения подростков из дальних семей и его коррекции Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, 2014 г.
6. Выготский Л.С. Проблема возраста. // Выготский Л.С. Собрание сочинений: В 6-ти т.; Т.4. - М.: Педагогика, 1984. - С. 244-268.
7. Кон И.С. Психология ранней юности. М.: Просвещение, 1989. – 255 с.
8. Котельникова А.В. Личностные корреляты посттравматического стресса (на материале выборки вынужденных переселенцев). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Москва, 2009 г.
9. Migration data portal. The total number of international migrants at mid-year 2019. Gender and migration. Source: UN DESA, 2019. <http://www.migrationdataportal.org>.
10. Мустаева Ф.А. Основы социальной педагогики. Академический проект, 2001.

11. Парманов Ф.Я. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари / Социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси. – Т.: Давлат бошқаруви академияси. 2021 й. – Б. 60.

12. Султанова А.Н. Психические нарушения у мигрантов, развивающиеся в условиях миграции (клинические, психологические, социальные характеристики в динамике, этапная лечебно-реабилитационная помощь). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора медицинских наук, Москва, 2019 г.

13. Толаметова З.А. Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Иқтисод ва молия. 2016, №3 – Б. 59-68.

14. Торохтий В.С. Актуальные проблемы современной социальной педагогики. – Москва: МГППУ, 2011. – 203 с.

15. Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Социальные, правовые и гендерные аспекты – Ташкент, 2008. – Б.109.

16. Холмуминов Ш., Абдураманов Х. Кишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш // “Biznes-Ekspert” журнали, 2018 йил 11(131)-сон, - Б. 57-62.

17. Цынцарь А.Л. Психолого-педагогические условия формирования самосознания подростков из дистантных семей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Нижний Новгород, 2015 г.

18. Шайгерова Л.А. гия идентичности личности вынужденной ситуации вмиграции: автореферат дис...кандидата психологических наук: 19.00.01 / Моск. гос. унт им. М. В. Ломоносова. – М., 2002.

19. Эльконин Д.Б. Избранные психологические труды. – М.: Педагогика, 1989. – 560 с.

20. Энциклопедия социологии. Составитель: А. Антинази, 2009. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/socio/3437>

21. Эриксон Э. Э. Идентичность: юность и кризис: Пер. с англ./ Общ. ред. Толстых А. В. – М.: Издательская группа “Прогресс”, 1996. – 344 с.
22. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси матбуот хизматининг маълумотлари. Parliament.gov.uz.
23. Ўзбекистонда миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш бўйича лойиҳа ишга туширилди. Ўзбекистондаги БМТ вақиллиги расмий сайти маълумотлари. www.un.uz.
24. https://mehnat.uz/uploads/filemanager/source/Бандлик_таҳлили_1_қв_январь_март.pdf
25. <https://x.uz/uzkr/post/ozbekiston-prezidentining-mc-h-sammitida-migratsiya-sohasidagi-tashabbusi-dolzarb-muammo-in-g-echimiga-qaratilgan>
26. <https://president.uz/uz/lists/view/4186>
27. <https://xs.uz/uzkr/post/mening-eng-katta-qanchalik-ogir-boln-asin-ularni-qajtarib-olib-kelimaqsadim-sh-migratsiya-masalas-ga-tokhtaldi> президент-

ИЛОВАЛАР

1-илова.

Мехнат миграцияси (минг нафар)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
[//www.stat.uz](http://www.stat.uz).

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ўзбекистон Респуб- ликаси	1145,3	1333,7	2384,8	2460,7
Қорақалпоғистон Республикаси	34,7	33,6	144,6	157,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	155,5	192,9	305,2	299,8
Бухоро	77,1	108,2	133,2	155,6
Жиззах	30,1	38,0	73,7	81,4
Қашқадарё	98,3	96,5	177,9	212,5
Навий	15,1	17,2	37,7	40,9
Наманган	158,2	124,4	200,7	218,3
Самарканд	147,5	186,5	341,2	323,0
Сурхондарё	75,8	72,5	163,4	196,8
Сирдарё	33,2	39,0	68,9	76,1
Тошкент	75,4	106,7	178,4	122,7
Фарғона	140,9	168,2	283,7	297,5
Хоразм	83,1	68,6	154,3	169,8
Тошкент ш.	20,4	81,4	121,9	109,0

2-илова.

**Фуқаролар йиғини фаолларининг хорижга ишлашга кетган
фуқаролар ва уларнинг оиласини ижтимоий қўллаб-
қувватлаш бўйича фаолияти**

Т/р	Бос- кичлар	Мутахассислар амалга оширадиган ишлари мазмуни ва усуллари
1.	Маълумотларни ўрганиш	<p>Фуқаролар йиғини раиси:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Меҳнат миграциясига кетишни режалаштирган оилалар билан учрашув, суҳбат ўтказиш.2. Қадриятли йўналишлари, ҳаётий мақсадлари, ёрдам зарур бўлган оилавий муаммоларини фуқаролар йиғини мутахассисларини жалб этган ҳолда ҳамкорликда ўрганиш.3. Хорижга ишлаш учун кетаётган оила фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш. <p><u>Иш усуллари:</u> учрашувлар, суҳбатлар, кўрсатмалар, “Хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оиласи ҳамда вояга етмаган фарзандларини рўйхатга олиш харитаси” тузилади</p> <p>Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Меҳнат миграциясига кетишни режалаштирган оилаларни аниқлаш ва ўрганиш.2. Меҳнат миграциясига жўнаб кетаётган оилалар фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ва рўйхатга олиш.3. Қариндошлари ҳақида, ота-онанинг иш ва турар жойларидан маълумотлар йиғиш. <p><u>Иш усуллари:</u> уй-жой шароитларини ўрганиш, ота-она ва қариндошлар билан суҳбатлашиш.</p> <p>Фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари (ва оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис):</p> <ol style="list-style-type: none">1. Меҳнат миграциясига кетишни режалаштирган оилалар билан суҳбатда иштирок этиш.2. Миграцияга кетиш олдидан оила фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, унга васий

		<p>тайинланишини ва рўйхатга олишни таъминлаш. 3. Ҳаёт шароитларини, оилавий турмушни, оилавий муаммоларини ўрганиш. 4. Оила аъзолари касбий, моддий имкониятларини ўрганиш. <u>Иш усуллари:</u> суҳбат, уйларига бориш, уй-жой шароитларини ўрганиш, ота-она ва қариндошлар билан суҳбатлашиш, “Хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оиласи ҳамда вояга етмаган фарзандларини рўйхатга олиш харитаси” тузилади</p> <p>Фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари 1. Оила аъзолари касбий, моддий имкониятларини ўрганиш. 2. Ўз юртида тадбиркорлик, ўзини-ўзи банд қилиш имкониятини ўрганиш. 3. Оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқишда иштирок этиш. <u>Иш усуллари:</u> суҳбат, оилавий бандлик масалаларини ўрганиш.</p>
2.	Баҳолаш	<p>1. Фуқаролар йиғини томонидан оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш; 2. Оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурини тасдиқлаш</p>
3.	Фаолиятли	<p>Фуқаролар йиғини раиси: 1. Хорижга ишлаш учун жўнаб кетаётган оилалар фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш. 2. Ота-она ва васийларнинг ЎзР қонунчилиги бўйича ҳуқуқ, мажбуриятлари. 3. Мехнатга лаёқатли аъзоларини ва хориждан қайтганларнинг иш билан таъминланишида ёрдам кўрсатиш. 4. Оила аъзоларининг ҳолидан мунтазам хабар олиш, муаммоларини аниқлаш, муаммолар бўйича маслаҳат бериш, уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари: 1. Хорижга ишлаш учун жўнаб кетаётган оилалар фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш.</p>

	<p>2. Ота-она ва васийларнинг ЎзР қонунчилиги бўйича ҳуқуқ, мажбуриятлари.</p> <p>3. Муаммолар бўйича маслаҳатлар бериш.</p> <p>4. Ота-онаси миграцияда даврида болаларнинг тақдирларини назорат қилиб бориш (васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда).</p> <p>Фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари:</p> <p>1. Фарзандларининг таълим-тарбияси масалалари бўйича суҳбат ўтказиш.</p> <p>2. Муаммолар бўйича маслаҳатлар бериш.</p> <p>3. «Оила муқаддас» эзгу ғоясини тарғиб қилиш, оилалар ижти-мой-маиший шароитини яхшилашга кўмаклашиш.</p> <p>4. Ота-онаси миграцияда даврида болаларнинг тақдирларини назорат қилиб бориш (васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда)</p> <p>Фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тadbиркорлик масалалари бўйича ўринбосари</p> <p>1. Оиладан хабар олиш, меҳнатга лаёқатли аъзоларини ва хориждан қайтганларнинг иш билан таъминланишида ёрдам кўрсатиш.</p> <p>2. Tadbиркорлик, ўзини-ўзи банд қилиш масалаларида ёрдам кўрсатиш.</p>
4.	<p>Мажмуавий ёндашув</p> <p>Мутахассислар билан ҳамкорлик.</p> <p>1. Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва секторлар ва б.к.</p> <p>2. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси</p> <p>3. Маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари</p> <p>4. Tadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси.</p> <p>Меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаро ва унинг оиласига ҳуқуқий, ижтимоий, педагогик, психологик ёрдам кўрсатиш, оиладаги шахслараро муносабатларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш бўйича ишлаш.</p>
5.	<p>Жараёни яқунлаш</p> <p>Оиланинг мустаҳкамлиги ва шарт-шароити мониторинги натижалари ижобий эканлигига амин бўлиш ва оилани қузатувдан чиқариш.</p>

Хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оиласи ҳамда вояга етмаган фарзандларини рўйхатга олиш ва қўллаб-қувватлаш харитаси

(фарзандларнинг ФИШ, туғилган санаси)

Оила билан учрашув санаси _____

Оила аъзоси меҳнат миграциясига кетган сана _____

1. Ота-она ва бошқа вояга етган қариндошлар тўғрисида
умумий маълумот

Т / р	ФИШ, қандай қариндош	Туғилган йили	Яшаш манзили	Тураржойи маиший шaroити	Иш жойи (агар бўлса)	Қайси давлатга ишлашга кетганлиги
	Она					
	Ота					
	Буви					
	ва ҳ.к.					

2. Оиланинг ижтимоий мавқеи _____

3. Боланинг ота-онаси миграцияга кетган вақтидаги ёши _____

4. Ота-онанинг миграцияга кетиш сабаби, оила муҳтож бўлган ёрдам тури _____

5. Боланинг таълим-тарбия муассасасига жалб этилганлиги (МТМ, мактаб рақами ва ҳ.к.) _____

6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик тавсифи

Она:

Сана	Шахсий хусу-сиятлар	Болага эътибор даражаси	Тарбиявий имконият-лари	Касб-хунар маълумот-лари
	Бошланғич маълумотлар			
	Ўзгаришлар тўғрисида маълумот			

Ота:

Сана	Шахсий хусу-сиятлар	Болага эътибор даражаси	Тарбиявий имко-ниятлари	Касб-хунар маълумотлари
	Бошлан-ғич маълумотлар			
	Ўзгариш-лар тўғрисида маълумот			

7. Бошқа қариндошларнинг бола билан муносабати хусусияти, унинг тақдирига қизиқиши ва унда иштирок этиши

Хорижда ишлаб қайтган ота-оналар (оила аъзолари) учун машғулотлар дастури

Ўзбекистон Республикасида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги қисми оилали ва фарзандларига эгадир. Нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат миграциясининг оила ва болалар учун ижтимоий оқибатлари масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Шу муносабат билан, даромад топиш мақсадида меҳнат миграциясига кетаётган фуқаролар оилалари учун ижтимоий-психологик ва педагогик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш долзарб масалалигича қолмоқда.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши учун оптимал шарт, у ўзини ҳимояда ҳис этадиган ишончли оила ҳисобланиши умум-эътироф этилган. Шу сабабли меҳнат мигрантларини ижтимоий йўналиш- қилишнинг реинтеграция ва қўллаб-қувватлаш ларидан бири – бу меҳнат мигрантлари ва уларнинг ўз юртида қолган фарзандлари билан ота-она-бола муносабатларининг педагогик-психологик ташҳиси ва коррекцияси бўлиши лозим.

Мақсадли гуруҳ: хорижда ишлаб қайтган фуқароларнинг фарзандлари ва уларнинг оила аъзолари.

Дастурнинг мақсади: хорижда ишлаб қайтган фуқароларнинг ота-она-бола ижобий муносабатларини педагогик-психологик ташҳис қилиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Дастурнинг вазифалари:

- ота-оналик компетентлиги даражасини ошириш, тарбия услубининг салбий ифодаланишларини бартараф этиш;
- хорижда ишлаб қайтган ота-оналарда ижтимоий малакаларни ривожлантириш, ижтимоий компетентликни ва ҳаётий қийинчилик ҳамда муаммоларни мустақил енгизиш учун мослашиш қобилиятларини ошириш.

Мазкур машғулотлар дастури хорижда ишлаб қайтган ота-оналар ва фарзандлари ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга

ёрдам беради. Машғулотлар дастури фуқаролар йиғини томонидан таклиф этилган педагог, психологлар томонидан хорижда ишлаб қайтган оилалар билан ўтказилиши мумкин.

Кутиладиган натижа: хорижда ишлаб қайтган ота-она-бола муносабатларини тиклаш, яхшилаш, ота-оналик компетентлиги даражасини ошириш, тарбия услубининг салбий ифодаланишларини бартараф этиш.

Хорижда ишлаб қайтган ота-оналар (оила аъзолари) учун машғулотлар дастури

№	Мавзулар номи	Ажратилган соат
1.	Бола ва унинг ота-онаси билан педагогик-психологик ташхис ўтказиш	1,5 соат
2.	Хорижда ишлаб қайтган ота-онанинг ўз фарзандини шартсиз қабул қилиш малакаларини ривожлантириш	1 соат
3.	Ота-она бола муносабатларини тиклаш ва ривожлантириш	1,5 соат
4.	Низоли вазиятларни тўғри ҳал этиш, қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаш	1,5 соат
5.	Бола ва унинг ота-онаси билан такрорий педагогик-психологик ташхис ўтказиш	1,5 соат
	ЖАМИ	7,5 соат

Машғулотлар мазмуни

1-машғулот: Бола ва унинг ота-онаси билан педагогик-психологик ташхис ўтказиш

Мақсад: оила билан танишиш, оилани иш жараёни билан таништириш, оила аъзоларини имкон қадар барча индивидуал ва гуруҳли машғулотларда иштирок этишга мотивацияларини ошириш, ота-она-бола муносабатларининг дастлабки педагогик-психологик диагностикаси.

Умумий вақт: 90 дақиқа

№	Иш босқичи, вақти	Босқич мазмуни
1.	Танишув - 10 дақиқа	Мутахассис ўзини таништиради, сўнгра барча иштирок этаётган оила аъзолари ўзларини таништирадilar. Педагог оила аъзоларини ўзлари ва бир-бирлари тўғрисида қисқача айтиб беришларини сўрайди.
2.	Кириш сухбати - 10 дақиқа	Мутахассис оила билан ишлаш жараёнини қисқача тушунтиради, унинг аъзоларининг мотивациялари ва кутилган натижаларини аниқлайди. Шароитлар ва ишлаш тартиби келишиб олинади. Ҳар бир машғулотнинг қоидалари ўрнатилади. Оила аъзолари билан ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин. Машғулот қоидалари: Шу ерда ва ҳозир; Мен-хабарлар; «СТОП» қоидаси; Баҳолаш мумкин эмас; Бир-бирининг гапини бўлмасдан тинглаш; Бир-бирининг фикрини ҳурмат қилиш; Ишда фаол қатнашиш; Телефонларни ўчириб қўйиш.
3.	Дастлабки диагностика - 60 дақиқа	«Бола–ота-она муносабатларини аниқлаш» сўровномаси; Рене-Жиле методикаси; Психолог тест ўтказиш қоидаларини тушунтиради. 4, 5-иловаларга қаранг.
4.	Муҳокама - 5 дақиқа	Оила аъзоларининг кутган натижалари муҳокама этилади. Ҳар бир оила аъзоси навбат билан олиб бориладиган ишлар юзасидан қандай кутган умидлари борлигини айтади. Мутахассис билан муҳокама.
5.	Машғулотга яқун яшаш - 5 дақиқа	Мутахассис яқун ясайди, оила аъзоларининг кутган умидларини инobatга олган ҳолда индивидуал иш режасига тузатишлар киритилади.

2-машғулот: «Хорижда ишлаб қайтган ота-онанинг ўз фарзандини шартсиз қабул қилиш малакаларини ривожлантириш»

Мақсади: хорижда ишлаб қайтган ота-она ва бола ўзаро муносабатларининг хусусиятларини, коммуникация сифатини ва оила аъзоларининг шахслараро муносабатлар тизимидаги ўринларини ўрганиш; масалаларни ҳамкорликда ечиш малакаларини ривожлантириш.

Умумий вақти: 60 дақиқа

№	Иш босқичи, вақти	Босқич мазмуни
1.	Саломлашиш - 5 дақиқа	Ҳар бир оила аъзоси навбат билан машғулотга қандай ҳиссиётлар билан келганлиги, унинг кайфияти қандайлигини айтади. Тренер машғулотни ўтказиш қоидалари тўғри-сида эслатади.
2.	Муҳокама - 10 дақиқа	Педагогик-психологик диагностика натижалари бўйича муҳокама ўтказилади
3.	Асосий қисм - 10 дақиқа	Ота-оналар томонидан болани эмоционал қабул қилмасликни ёки уни итаришнинг сабаблари турлича, баъзан ота-оналар ўз хатоларини ҳаёлларига ҳам келтирмайди, баъзан англайди ёки ўзларининг ички овозларига кулоқ солмайди. Яширинган асосий сабаб ота-онанинг хорижда ишлагани сабабли фарзандидан узокда бўлганлиги ўрнини тўлдириш мақсадида «тарбияга» бўлган кучли йўналганлигидир. Уларни ўз ҳаётий омадсизлигини тўлдиришга интилиш, ўзи ҳаётидаги ушалмаган хоҳиш ва орзулари бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда ота-оналарнинг ўзлари маслаҳатга ва ёрдамга муҳтож бўлади. Дастлабки кадамни катталар мустақил бажариши зарур: ота-она ва фарзанднинг ўзаро муносабатида

		юзга келган муаммонинг асосий сабаби нимада эканлиги ҳақида ўйлаб кўриш зарур.
4.	Қоидалар: 10 дақиқа	Иштирокчилар билан суҳбат олиб борилади: 1. Боланинг айрим ҳаракатларидан норози бўлиш мумкин, аммо бола шахсидан норози бўлиш мумкин эмас. 2. Боланинг бирор қилмишига танбех бериш мумкин, лекин унинг ҳис-туйғуларига норозилик билдириш мумкин эмас. Болада ота-онаси билан узоқ айрилиқ сабабли бу ҳис-туйғу вужудга келиши мумкинлигини тушуниш муҳим. Боланинг хатти-ҳаракатидан норозилик доимий бўлмаслиги керак. Чунки бунда уодатга айланиб қолиши мумкин.
5.	Оилавий социограмма - 15 дақиқа	Ҳар бир оила аъзосига айлана тасвирланган варақа тарқатилади ва унда ўзини ҳамда оила аъзоларини тасвирлаш, уларнинг исмларини қайд этиш сўралади. Оила аъзолари бир-бирлари билан маслаҳатлашмаган ҳолда топшириқни бажаради (6-илова).
7.	Уйга вазифа - 5 дақиқа	Мутахассис оила аъзоларидан икки устунли жадвални тўлдиришларини сўрайди: мени фарзандимдаги нима ташвишлантиради ва фарзандимдаги нима мени қувонтиради.
8.	Машғулотга яқун яшаш -5 дақиқа	Мутахассис машғулотга яқун ясайди. Ҳар бир оила аъзоси нималарни билиб олганлигини ва нималарни ҳис қилаётганлигини билдиради.

3-машғулот: «Ота-она бола муносабатларини тиклаш ва ривожлантириш»

Мақсади: хорижда ишлаб қайтган ота-она ва бола ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилаш; оила аъзоларининг фаол тинглаш, эмпатия қобилиятларини ривожлантириш.

Умумий вақти: 90 дақиқа

№	Иш босқичи, вақти	Босқич мазмуни
1.	Саломлашиш - 5 дақиқа	Ҳар бир оила аъзоси навбат билан машғулотга қандай ҳиссиётлар билан келганлиги, унинг кайфияти қандайлигини айтади.
2.	Уй вазифаси муҳокамаси: 15 дақиқа	Мени фарзандимдаги нима ташвишлантиради ва фарзандимдаги нима мени қувонтиради? саволи муҳокамаси Мақсади: бола ва ота-она ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилашга кўмаклашиш. Муҳокама уй вазифасини бажаришда юзага келган фикрлар, таассуротлар, ҳиссиётларни ифодалаш, жадвалнинг қайси қисмини тўлдириш уларга қийинроқ бўлганлиги, қаерда улар кўпроқ фикрга эга бўлганликларини билдиришлари керак. Оила аъзоларини бир-бирларининг жадваллари мазмунини қайта айтиб беришлари сўралади. Агар жадваллар тўлдирилмаган бўлса, мутахассис уларни машғулот вақтида тўлдиришларини сўрайди
3.	Ҳиссиётлар билан ўртоқлашиш - 5 дақиқа	Мақсади: ҳиссиётларни очик ифодалашга тақикни енгиш Кўрсатма: бир-бирингизга ҳиссиётларингиз тўғрисида айтиб берганингиздан сўнг, баҳолашсиз ва шарҳларсиз шунчаки ўз ташаккурингизни билдиринг.
4.	«Ҳа» машқи. - 10 дақиқа	Мақсади: эмпатия ва рефлексия малакаларини такомиллаштириш. Оила аъзоларидан бири ўз ҳолатини, кайфиятини ёки ҳиссиё-

		<p>тини ифодаловчи иборани айтади. Сўнгра иккинчи оила аъзоси аниқлаштириш учун унга саволлар бериши керак. Агар иштирокчи саволларга урта тасдиқловчи «ха» жавобини олса, машқ бажарилган ҳисобланади.</p>
5.	Ахборот қисми -30 дақиқа	<p>Машғулот иштирокчиларининг ҳиссиётлари сабабларини тушунишга тайёрлигимизни намоён этиш.</p> <p>Энг аввало, нафрат, адоват, тажовузкорлик каби энг ёқимсиз ҳиссиётлар ҳақида гаплашамиз. Бундай ҳиссиётларни вайрон қилувчи деб номлаш мумкин, бу инсоннинг ўзини (соғлигини, психикасини) емиради ва унинг бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатини бузади. Улар низоларнинг доимий сабабчилари.</p> <p>Нима сабабдан нафрат содир бўлади? Психологлар бу саволга кутилмаган кўринишда жавоб қайтарадилар: нафрат иккиламчи туйғу ва кўркув, аразловчанлик, қайғу каби бошқа турдаги изтироблар оқибатида содир бўлади.</p> <p>Инсон учун уни яхши кўришларини, ҳурмат қилишларини тан олиш, у ким учундир яқин ва зарур: у ишда, ўқишда омадга эга бўлиши, у ўзини ҳурмат қилиши ўз қобилиятларини ривожлантириши, у ўзини намоён қила олиши шарт. Сиз фарзандингизда чуқур аламли, ўзи ва теварак-атрофидагилардан тазйиқли оламда бўлмаслиги учун доимо унинг ўз-ўзини баҳолаши ёки ўз қадрини англашини кўллаб-қувватлашингиз лозим.</p> <p>Келинг, бунни қандай амалга оширишингизни кўриб чиқамиз.</p> <ol style="list-style-type: none">1. Уни шартсиз қабул қилиш.2. Унинг эҳтиёжлари ҳамда изтиробларини фаол эшитиш.3. Бирга бўлмоқ (ўқиш, ўйнаш, шуғулланиш).

		<p>4. У ўзи бажара оладиган машғулотларига аралашмаслик.</p> <p>5. Ёрдам сўраб мурожаат этганда ёрдам бериш.</p> <p>6. Муваффақиятларини қўллаб-қувватлаш.</p> <p>7. Ўз ҳиссиётлари билан ўртоқлашиш (унга ишониш).</p> <p>8. Низоларни конструктив ҳал этиш.</p> <p>9. Кундалик мулоқотда хушмуомала иборалардан фойдаланиш. Масалан: Менга сен билан бирга бўлиш ёқади. Мен сени кўрганимдан хурсандман. Сенинг келганинг яхши бўлди. Менга сенинг ёқади. Мен сени соғиндим. Кел, бирга (бажарамиз, гаплашамиз...).</p> <p>Биз учун сенинг борлигинг жуда муҳим ва ҳ.к.</p>
6.	«Ойна орқали суҳбат» машқи - 15 дақиқа	<p>Кўрсатма: «Тасаввур қилинг, сизни ва шеригингизни қалин овоз ўтказмайдиган ойна ажратиб турибди, сиз эса унга бир маълумотни етказишингиз керак. Гапириш мумкин эмас – барибир сизни шеригингиз эшитмайди. Шерик билан суҳбат мазмунини олдиндан келишиб олмасдан, ойна орқали барча зарурий маълумотларни етказишга ва жавоб олишга уриниб кўринг. Бир-бирингизга қарама-қарши туринг. Бошланг». Муҳокама.</p>
7.	Уйга вазифа - 5 дақиқа	<p>Мутахассис ҳар бир оила аъзосини оиладаги ўзаро муносабатлар тўғрисида аҳамиятли фикрларни айтиш мумкин бўлган, бир нечта оилавий фотосуратларни олиб келишларини сўрайди.</p> <p>Фотосуратлар сони чекланган. Фотосуратларни танлаш бўйича кўрсатма берилмайди.</p>
8.	Машғулотга яқун ясаш -5 дақиқа	<p>Мутахассис машғулотга яқун ясайди. Ҳар бир иштирокчи нималарни ҳис қилганлигини билдиради.</p>

4-машғулот: «Низоли вазиятларни тўғри ҳал қилиш, қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаш»

Мақсади: самарали мулоқот малакаларини, шахслараро низоларни тўғри ҳал қилиш кўникма ва малакаларини ишлаб чиқиш

Умумий вақти: 90 дақиқа

№	Иш босқичи, вақти	Босқич мазмуни
1.	Саломлашиш - 5 дақиқа	Ҳар бир оила аъзоси навбат билан машғулотга қандай ҳиссиётлар билан келганлиги, унинг кайфияти қандайлигини айтади.
2.	Муҳокама - 15 дақиқа	Уй вазифасининг таҳлили, иштирокчилар истакларига кўра ўз ишлари, бола билан муносабатларидаги ўзгаришларнинг содир бўлганлиги ва қандай ўзгаришлар бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қиладилар .
3.	Кичик маъруза - 20 дақиқа	Муҳокама этиладиган масалалар: Боланинг характери ва хулқининг шаклланишига оиланинг таъсири. Нотўлиқ оилалар, тарбия хусусиятлари. Ота-она шахси ва ота-онанинг йўналганлиги. Тарбия услублари (авторитар, демократик, либерал, ўта ғамхўрлик, беқарор, уйғун бўлмаган) оқибатлари.
4.	«Оиладаги муаммоли вазият» ролли ўйини - 25 дақиқа	Мутахассис низоларни тез ва самарали ҳал қилиш кўникмасининг муҳимлиги тўғрисида ҳикоя қилади; тажрибали йўл билан низоларни бартараф этишнинг асосий усулларини аниқлашни амалга оширишни айтади. 5 дақиқа давомида оила аъзолари низоли томонларни ифодалашлари учун сценарий ўйлайдилар ва низоли вазиятни ижро этадилар.
5.	Гуруҳда муҳокама учун	Қоида: низоли вазиятлардан қочиш эмас, уларни бартараф этиш учун келишув йўлини танлаш, уларни конструктив ҳал этиш ёки бошқариш

<p>қоидалар - 15 дақиқа</p>	<p>шарт. Босқичлар:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Боланинг муаммосини тушуниб олиш мақсадида «фаол тинглаш» усулини қўллаш лозим. Шундан кейингина болага «Мен-хабар» усули воситасида муаммони тушунтириш зарур.2.«Буни қандай ҳал қиламиз?» усули билан болага унинг ўзи биринчи бўлиб, вазиятни ҳал этиши учун имкон бериш. Шундан сўнг болага (босимсиз, шунчаки тушунтириб бериш орқали) ўз усулингизни баён этиш.3.Мазкур усулларни биргаликда муҳокама қилиш, ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқиш. Сўнгра биргаликда усуллардан бирини танлаб, муаммо устида самарали иш юритиш.4.Қабул қилинган қарорни биргаликда амалга ошириш учун батафсил тушунтириш. <p>Юзага келадиган савол ва гумонлар</p> <ol style="list-style-type: none">1. Айнан ушбу усул бола олдида ота-она обрўсини туширмайдими? <p>Жавоб: Бола билан муносабатда авторитар (ҳокимлик) ва обрўнинг фарқи нимада, қайси бирини кўпроқ қўллаш фойдалироқ бўлиши мумкин?</p> <ol style="list-style-type: none">2. Агар зарур талабга мувофиқ қарор топилмасачи? Жавоб: <p>- Айрим ҳолатларда бола учун ҳаётий хавф юзага келса, вазиятга кўра кўрсатма бериш усулига асосан иш қилишга тўғри келади. Айрим ҳолатларда келишувга келиш, бола талабини қондиришга тўғри келиши мумкин. Баъзан оғир вазиятларда ота-она учун энг тўғри қарор – бу болани тўғри тарбиялаш ва таълим беришда меҳрли юрак кўрсатмасига риоя этишдир.</p>
<p>6. Жуфтликда амалий машқ -5 дақиқа</p>	<p>«Мен сени тушунаман». Фарзанди ҳолатини таърифлаш</p>
<p>7. Машғулотга яқун яшаш -5 дақиқа</p>	<p>Мутахассис машғулотга яқун ясади. Ҳар бир иштирокчи нималарни ҳис қилганлигини билдиради.</p>

5-машғулот: «Оила билан такрорий педагогик-психологик ташҳис ўтказиш»

Мақсади: эгалланган тажрибани мустаҳкамлаш ва таҳлил қилиш, ўтказилган педагогик-психологик ишларнинг таҳлили, ота-она-бола муносабатларининг такрорий психологик-педагогик ташҳиси.

Умумий вақти: 90 дақиқа

№	Иш босқичи, вақти	Босқич мазмуни
1.	Саломлашиш - 5 дақиқа	Ҳар бир оила аъзоси навбат билан машғулотга қандай ҳиссиётлар билан келганлиги, унинг кайфияти қандайлигини айтади.
2.	Иш якунларини муҳокама қилиш - 10 дақиқа	Уй вазифасининг таҳлили, иштирокчилар истакларига кўра ўз ишлари, бола билан муносабатларидаги ўзгаришларнинг содир бўлганлиги ва қандай ўзгаришлар бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қиладилар. Нималар ўзгарди? Нима фойдали бўлди? Яна нималарга эътибор қаратиш керак?
3.	Саволларга жавоблар - 20 дақиқа	Оила аъзолари билан ҳамкорликда энг муаммоли саволлар танланади. Мутахассис билан ҳамкорликда саволларга жавоб беради, тавсиялар берилади, индивидуал консультациялар вақти белгиланиши мумкин.
4.	Такрорий педагогик-психологик ташҳис - 40 дақиқа	«Бола – ота-она муносабатларини аниқлаш» сўровномаси; Рене-Жиле методикаси; 4, 5-иловалар.
5.	«Бизнинг оиламиз ...йилдан сўнг» - 10 дақиқа	Оиланинг келажагини муҳокама қилиш. Бизни нима кутмоқда?
6.	Машғулотга якун ясаш – 5дақиқа.	Мутахассис курсга якун ясайди. Амалга оширилган ишлар учун ташаккур изҳор этилади, ҳар бир оила аъзоси нималарни билиб олганлигини ва нималарни ҳис қилаётганлигини билдиради.

Мазкур машғулотлар дастури ўтказилганидан сўнг педагог иштирок этган оилалар учун эришилган натижалар таҳлилини муҳокама қилиш, ривожлантириш бўйича ота-оналар билан индивидуал консултацияларни ўтказиши мақсадга мувофиқ.

Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабатлари сўровномаси

Тест-сўровнома Ф.Я.Варга ва В.В.Столин томонидан ишлаб чиқилган ота-оналар муносабатлари машхур методикасининг асосий вазиятларидан ташкил топган.

1. Ўйлайманки, ота-оналар ўз фарзандлари нимани ўйлаётганлигини билишлари зарур.
2. Одатда, ота-оналар бола шахсига бўлган хурматни ҳаракатларида намоён эта олмайдилар.
3. Ота-оналар, одатда, кўпинча ўз фарзандларидан ғазабланадилар.
4. Баъзида ота-оналар фарзандларига раҳбар хизматчи муносабатида бўлади.
5. Баъзида ота-оналар ўз фарзандларининг холига ачинадилар.
6. Баъзида менинг болам менинг аччиғимни чиқариш учун ўзини атайин ёмон тутаётганга ўхшайди.
7. Менинг болам ҳамма ёмон нарсаларни «губка» сингари шимиб олаётганга ўхшайди.
8. Болани қаттиқ: қуйишқонда ушлаш керак, шундагина ундан виждонли одам чиқади
9. Фарзандимнинг дўстлари уйимизга меҳмон бўлиб келишлари менга ёқади.
10. Таниш билишларим орасида болалар ҳақида гап кетганда, мен ўзимни ноқулай ҳис қиламан, сабаби менинг фарзандим мен хоҳлаганчалик ақлли ва қобилятли эмас.
11. Фарзандимни ўсаётганини ва улғаяётганидан ачинаман, унинг кичкиналигини энтикиб эслайман.
12. Мен фарзандимнинг ҳаётда мен эриша олмаган нарсаларга эришишини орзу қиламан.

13. Оилавий қарорлар қабул қилишда боланинг фикрини ҳам инобатга олиш зарур.

14. Фарзандим билан жанжаллашиб қолганда кўпинча унинг ўзича ҳақлигини тан оламан.

15. Болалар ота-оналар ҳам хато қилишлари мумкинлигини барвақт билиб оладилар.

16. Кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг дид ва хоҳишларини ўзлариникига тўғри келмаса инобатга олмайдилар.

17. Фарзандимнинг инжиқликларини асосий сабаби дангасалик ва ўжарлик деб биламан.

18. Агар таътилни бола билан ўтказса мазза қилиб дам олиш қийин.

19. Баъзида менга фарзандим ҳеч бир яхши нарсага ярамайдиган бўлиб кўринади.

20. Катталар одатда аразловчанлик, кўз ёши ва қайсарликнинг ҳақиқий сабаблари мавжудлиги ҳақида ўйламайдилар.

21. Бола тарбияси – нуқул асаббузарликлардан иборат.

22. Болаликдаги қатъий интизом кучли характери ривожлантиради.

23. Менинг фарзандим бирон нарсани мустақил қила олмайди, агар қилганида ҳам кўнгилдагидек чиқмайди.

24. Менинг фарзандим қийинчиликларга мослашмай вояга етаётганлиги мени хавотирга солади.

25. Фарзандим менга қандай бўлса, шундайлигича ёқади.

26. Баъзан ҳаёт ота-оналарни шамоллаган болага дори бериб, мактаб ёки боғчага жўнатишга мажбур қилади.

27. Бола унинг ота-онасига ёққан болалар билан дўстлашиши мақсадга мувофиқ.

Натижалар таҳлили

Ҳар бир калит билан тўғри келган жавоб учун бир балл қўйилади. Сўнг баллар ҳар бир шкала учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

- 1.«Қабул қилинган-хўрланган»:2+,3+,6+,10+,16+,17+,18+,19+,20+,20+,21+,24+,25+;
2. «Кооперация»: 4+,13+,14+,15+; ва 6-,8-,16-;
- 3.«Авторитар гиперсоциализация»: 1+,8+,12+,22+,26+; ва 10-,27-;
- 4.«Кичик омадсиз»: 5+,7+,10+,11+,14+,16+,23+,27+; ва 24-.

Таҳлил:

«Қабул қилинган-хўрланган» шкаласи – максимал йиғинди 13 балл. Агарда синалувчи 0 дан 4 баллгача тўпласа, у ҳолда катталарга (педагогга ёки ота-онага) бола қандай бўлса шундайлигича ёқади. У ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳурмат қилади ва ёқтиради. Катталар кўп вақтларини болалар билан ўтказишга ва уларнинг режаларини ва қизиқишларини қабул қилишга ҳаракат қиладилар.

Агарда синалувчи 4 балл ва ундан юқори балл тўпласа, бунда у болларни тартибсиз, омадсиз, мослаша олмайдиган деб қабул қиладилар. Кўп ҳолатларда катталар болаларга нисбатан асабийлашиш, агрессивликни ҳис қилади. Умуман олганда болаларга ишонмайди ва бола шахсига ҳурмат билан қарашда қийналади. Психолог катталар 8 баллдан юқори балл олган ҳолатларга диққат эътиборини қаратиш керак. Бу шундан далолат берадики, у болага нисбатан муносабатлардаги ўзининг хатти-ҳаракатлари, изоҳлари ва тарбияланувчи шахсига ҳурмат муносабатини билдиришда қийинчиликни ҳис қилади.

«Кооперация» шкаласи – максимал йиғинди 7 балл. Агар синалувчи мазкур шкала бўйича 5-7 балл тўпласа, бунда катталар болалрни режалари ишлари билан қизиқади, болалрни қўллаб-қувватлаб, ҳамдардлик билдиришга ҳаракат қиладилар. У болалрни интеллектуал ва ижодий қобилиятларини юқори баҳолаши ва тарбияланувчилари учун ғурур ҳиссини ҳис қилиши мумкин. Катталар болани ташаббуси ва

мустақиллиги рағбатлантириб, улар билан тенг кўриб, ишониб, бахсли саволларда уларни фикрларини қабул қилишга кодир. Агар синалувчи 4 балл ва ундан паст балл тўпласа, бу боланинг ёлғизлигидан далолат беради.

«Авторитар гиперсоциализация» шкаласи максимал йиғинди 7 балл. Агар синалувчи 0 дан 3 баллгача тўпласа, бу меъёрни билдиради. Агар синалувчи 3 баллдан кўп балл тўпласа, муносабатда авторитарлик яққол кўринади. Катталар боладан сўзсиз итоат қилишни ва тартиб интизомни талаб қиладилар. Улар болаларга ўз қарорини сингдиришга, лекин улар фикрини қабул қилишга интилади. Болалар томонидан билдирилган ўзбошимчалик жазоланади. Катталар болаларни ижтимоий муваффақиятига эришишини кўзлаган ҳолда улардан ижтимоий ижтимоий муваффақиятни талаб қилиб, шахсий ривожланиш билан қизикмайдилар. Бунда улар болаларнинг индивидуал қобилиятлари, одатлари, фикрлари ва ҳис туйғуларини яхши биладилар.

«Кичик омадсиз» шкаласи максимал йиғинди 9 балл. Агар синалувчи 2 балл тўпласа, бу меъёр бўлиб ҳисобланади. 3 балл ва ундан юқори балл катталарнинг йўналишини ҳарактерлаб, бунда катталар болада шахсий ва ижтимоий етукликни кўрмайдилар. Бу эса инфантилликка олиб келади. Катталар боланинг ўзини ёшига нисбатан кичикроқ ёшда кўрадилар. Боланинг қизиқишлари, фикрлари ва ҳис туйғулари болаларча, жиддий бўлмаган ҳолда қабул қилинади. Болалар мослашмаган, муваффақиятсиз, салбий таъсирларга берилувчи деб тасаввур қилинади. Катталар болаларга, муваффақиятчилигига ва бажара олиш қобилиятига ишонмайдилар. Шу муносабат билан улар болаларни хатти –ҳаракатларини қатъий назорат қилиб, режалаштирадилар. Агар синалувчи 8-9 балл тўплаган бўлса, унда психолог катталарни болаларнинг ёш ва индивидуал имкониятларига бўлган ноадекват эмоционал муносабатига жиддий эътибор қаратиши лозим.

«Рене-Жиля» методикаси

Методиканинг мақсади боланинг ижтимоий мослашуви хусусиятлари, унинг оиладаги, атрофдагилар билан ўзаро муносабатини, у ёки бу оила аъзосига нисбатан боғланганликнинг мавжудлигини аниқлашдан иборат. *Ушбу методикани 4 ёшдан бошлаб қўллаш маъқулроқ.*

Методика визуал-вербал ҳисобланиб, у болалар ва катталар тасвири туширилган 42 та сурат ҳамда вазифалар матнидан иборат. Рене Жиля методикаси содда ва схематик кўринишига эга эканлиги билан бошқа проектив тестлардан фарқ қилади, у фақатгина синалувчи болагагина учун осон бўлиб қолмай, балки унинг формализацияси ва квантификациясига нисбатан ҳам катта имконият беради. Болалар проектив методикаси натижаларни сифатли баҳолашдан ташқари шахслараро муносабатлар, миқдор ва ўзгарувчи қатор бўйича психологик текширувлар натижаларини кўрсатишга имкон беради. Методикадан индивидуал фойдаланган маъқул, чунки гуруҳли шаклда диагностиканинг аниқ мақсад ва вазифаларига мувофиқ бўлган қўшимча саволлардан фойдаланиб бола билан суҳбат куриш имконияти йўқолади.

Натижалар таҳлили

Натижаларни қайта ишлаш қуйидаги жадвал бўйича амалга оширилади

Шкала	Шкалани белгилаш	Вазифалар сони	Вазифаларнинг умумий сони
1.	Онага бўлган муносабат	1-4,8-15,17-19,27,38,40-42	20
2.	Отага бўлган муносабат	1-5,8-15,17-19,37,40-42	20
3.	Бола эр-хотин сифатида идрок этадиган она ва	1-4,6-8,14,17,19	10

	отага муносабат		
4.	Ака-укалар ва опа-сингилларга муносабат	1,2,4,5,6,8-19,30,40, 42	20
5.	Буви ва бувага бўлган муносабат	1,4,7-13,17-19,30,40, 41	15
6.	Дўсти (дугонаси)га бўлган муносабат	1, 4, 8-19,25, 30,33-35, 40	20
7.	Ўқитувчига (ёки бошқа бир катта ёшдаги об-рўли кишига) муносабати	1,3,4,5,9,11,13,17,19, 26,28-30, 32,40	15
8.	Қизиқувчанлик даражаси	5,22-24,26,28-32	10
9.	Ҳукмронликка интилиш	20-22, 39	4
10.	Мулоқотчанлик	16, 22-24	4
11.	Ўзини четга тортиш	9,10,14-16,17,19,22-24, 29, 30,40-42	15
12.	Хулқ-атворнинг ижтимоий ўхшашлик даражаси	9, 25, 28, 32-38	10

Мос бўлган муносабатни кўрсатишга йўналтирилган вазифаларнинг максимал сонидан келиб чиқиб муайян кишига муносабат мазкур шахсни танлашлар сони билан ифодаланади.

Вазифаларнинг умумий сони 20 та (1, 2, 4, 6 шкалалар)дан иборат бўладиган шкалаларда боланинг яқин кишиси билан ёнма-ён бўлишини танлашининг характерланиши, боланинг яқин кишисига эмоционал боғланганликнинг паст даражасини ва уларнинг ўзаро муносабатларининг юқори масофага мўлжалланганлигини 1-3 жавобларнинг мавжудлиги кўрсатади. 17–20 жавоблар конструктив шахслараро муносабатлар каби баҳоланадиган бола шахсининг ривожланишига имкон берадиган боланинг катта ёшдаги одамга яқинлигини, унга эмоционал меҳр қўйишининг юқори даражасини кўрсатади.

Вазифаларнинг умумий сони 15 тани ташкил қиладиган шкалаларда (5, 7, 11 шкалалар) боланинг яқин киши билан ёнма-ён бўлишини ёки биргаликда вақтни ўтказиш ҳолатларини танлашининг мавжудлигини характерлайдиган 1-2-жавобларнинг мавжудлиги ўргатадиган вазиятлар боланинг ўзини четга тортишини ва яқин қариндоши билан юқори масофада эканлигини кўрсатади. 14-15-жавоблар боланинг очиқлигини ва алоқа қилишни хоҳлашини кўрсатади.

Вазифаларнинг умумий сони 10 тани ташкил қиладиган шкалаларда (3, 8, 12 шкалалар) бола томонидан ота-онасини эр-хотин жуфтлиги деб қабул қилмасликни, билимга қизиқувчанлик ва ижтимоий айнанликнинг паст даражасини 1-жавобнинг мавжудлиги кўрсатади. Ота-онани эр-хотин жуфтлиги деб қабул қилишни, уларнинг муносабатини мустақил ва яхлитлигини тушуниш, билимга қизиқувчанликнинг юқорилиги ва ижтимоий адекватликнинг яхши даражасини 9-10- жавоблар кўрсатади.

Жавобларнинг умумий сони 4 тани ташкил қиладиган шкалаларда (9-10-шкалалар) воқеалар марказидан йироқлик ёки етакчилик ҳолати тавсифи, етакчилик сифатлари ва мулоқотга интилишнинг йўқлигини 1-жавобнинг мавжудлиги кўрсатади. Синалувчи ўзини воқеалар марказига ёки етакчиликка қўйиши ҳукмронликнинг ифодаланганлигини ва мулоқотга эҳтиёжнинг юқорилигини 4-жавоб кўрсатади.

Оилавий социограмма

«Оилавий социограмма» тести субъектнинг шахслараро муносабатлар тизимидаги ҳолатини ва бундан ташқари оиладаги мулоқот характерини аниқлашга имкон беради ва тасвирли проектив методика ҳисобланади. Текширувни ўтказиш учун синалувчиларга варақалар таклиф этилади: ҳар бир варақада 110 мм диаметрли айлана чизилган. Оила аъзолари топшириқни индивидуал бажаради.

Натижалар таҳлили. Муаллифлар томонидан тест ўтказиш натижаларини баҳолашнинг мезонлари таклиф этилган:

- 1) айлана майдонига тушган оила аъзолари сони;
- 2) доирачалар ўлчами;
- 3) бир-бирига нисбатан доирачаларнинг жойлашуви;
- 4) улар орасидаги масофа.

Тадқиқотчи биринчи мезон бўйича натижани баҳолашда синалувчи томонидан тасвирланган оила аъзоларининг сонини ҳақиқатда оила аъзолари сони билан таққослайди. Эҳтимол, синалувчи низоли муносабатларда бўлган оила аъзоси катта айланага тушмаслиги, у эсан чиқарилиши мумкин. Шу билан бирга, бегона инсонлардан кимдир, ҳайвонлар, сеvimли буюмлар оила аъзоси сифатида тасвирланиши мумкин. Сўнгра биз доирачаларнинг ўлчамига эътибор қаратамиз. Бошқаларига нисбатан каттароқ «Мен» доираси етарли ёки юқори ўз-ўзини баҳолашни, кичик доира эса – ўз-ўзини паст баҳолашни англатади. Бошқа оила аъзоларининг доирачаларининг ўлчами синалувчи учун уларнинг аҳамиятлиликлари тўғрисида билдиради. Доирачаларнинг айлана майдонидаги бир-бирига нисбатан жойлашувига эътибор қаратиш лозим (учинчи мезон). Синалувчининг ўз доирасини айлана марказида жойлаштириши шахснинг эгоцентрик йўналганлиги тўғрисида, ўзини оила аъзоларини акс эттирувчи доирачалардан алоҳида пастда жойлаштириш эса ҳиссий рад этилганликни бошдан


кечираётганликни англатади. Энг аҳамиятли оила аъзолари синалувчи томонидан ўлчами бўйича катта доиралар ёки тест майдонининг юқори қисмида тасвирланади.

Шунингдек, доирачалар орасидаги масофани таҳлил қилиб кўпгина маълумотларга эга бўлиш мумкин (тўртинчи мезон). Бир доирачанинг бошқаларидан узоқлиги оиладаги низоли муносабат, синалувчининг ҳиссий рад этилганлиги тўғрисида англатиши мумкин. Ўзига хос «ёпишиб қолиш», доирачаларнинг бир-бирининг устига тушиб қолиши, кесишиши ёки бир-бирида жойлашиши оила аъзоларидаги «Мен»ининг дифференциаллашмаганлиги, симбиотик алоқаларнинг мавжудлиги тўғрисида билдириши мумкин.

«Оилавий социограмма» тестидан фойдаланиш санокли дақиқаларда оиладаги ўзаро муносабатлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга, сўнгра нима ҳосил бўлганлигини муҳокама қилишга имкон беради. «Оилавий социограмма» тести оила аъзолари ўртасида ўзаро муносабатларни таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.

«Оилавий социограмма» тести варақаси

Кўрсатма. Сизнинг олдингизда қоғоз варағидаги айлана.
Унда ўзингизни ва оила аъзоларингизни доирачалар кўрини-
шида тасвирланг ва уларнинг исmlарини ифодаланг.



**МАДЖИДОВА ДИЛДОРА АБДУХАМИДОВНА,
ХУСАНОВА ДИЛНОЗА ҒОФУРОВНА,
БАЗАРОВ АБДУХАМИД АЛИШЕРОВИЧ,
АКБАРОВ БАХОДИР АБДУРАХМОНОВИЧ,
ЯХНЯЕВА МУХАЙЁ ШУРНИЯЗОВНА,
САЙДАЛИЕВА НИГОРА МАНСУРЖАНОВНА**

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ОИЛАЛАРИДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир:	М.Ҳайитова
Тех. муҳаррир:	А.Мойдинов
Компьютерда саҳифаловчи:	Ш.Мирқосимова



E-mail: tipografiyacnt@mail.ru. Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.

Босишга рухсат этилди 01.04.2021.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «TimezUz» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 5,25. Нашриёт босма табоғи 5,5.

Тиражи 1000. Буюртма № 40.

**«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.**
